Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 149 (13.105).
29 ИЮНЬ 1965 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.



ЮҚОРИДАГИ суратда Хўжайли районидаги Ленин номли колхознинг пешқадам сувчилари — Ж. Отажонов билан Ҳ. Ҳайтаков ўртоқларни кўриб турибсиз. Сув камчиллиги сезилиб турган бу йилги шароитда улар ҳар қатра сувдан ишнинг кўзини билиб, унумли фойдаланиш пайидан бўлмоқдалар. Бу миришкор сувчилар ҳар куни 1,5-2 гектардан майдондаги ғўзани қондириб суғоришга эришмоқдалар. Пастдаги суратда эса Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Ҳ. Нурматов бошлиқ бригадаси даласида механизаторлардан Д. Исвкулов ва М. Маҳкамов ўртоқларнинг ҳашаротга қарши профилактик тадбир ўтказаётгани ва ўсимликни культивация қилаётганликларини кўрасиз. Мазкур бригада аъзолари гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш йўлида қизғин иш олиб боришмоқда.

А. Тўраев ва А. Абалян фотолари.

Зафар сатрлари

ОЛТИДАН БИР ҚИСМИ ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Ўзбекистонда бу йил пилладан рекордли ҳосил олиниб, ипак саноати учун қимматли хом ашёни тайёрлаш давом этмоқда. Ҳозир Сурхондарё ва Самарқанд областларининг тоғли районлари, шунингдек Андижон ва Фарғона областининг айрим районлари пилла топширмоқдалар.

Республика пиллачилари ҳозирдаёқ топшириққа қўшимча суратда бир минг уч юз тоннадан зиёд пилла топширдилар. Бу — пилланинг олтидан бир қисми ватанга плandан ташқари топширилди демакдир.

Бир қанча колхоз ва совхозларда иккинчи марта қурт боқилмоқда. Мўл пилла ҳосили етиштириш резервлари беҳисобдир. (ЎзТАГ).

САМАРҚАНД ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Самарқанд областининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини бажардилар. 112 минг центнер гўшт тайёрланди.

Ўн бир райондан саккиз район ярим йиллик план топшириқларини ошириб бажарди. Ғаллаорол, Нарпай, Хатирчи районлари ва бошқа районлардаги хўжаликлар йилнинг иккинчи ярми ҳисобига кўп миқдорда гўшт топширдилар. Каттақўрғон ва Самарқанддаги бўрдоқига мол боқиш базалари гўшт етиштириш ярим йиллик планини анча ошириб бажардилар. (ЎзТАГ).

СУРХОНДАРЁ ПАРРАНДАБОҚАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сурхондарё области хўжаликларидаги парранда фермаларининг меҳнаткашлари давлатга тухум топшириш йиллик плани муддатидан олдин бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Тайёрлов пунктларига 10 миллион 916 минг дона тухум элтиб берилди.

Тухум тайёрлаш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Шовот районидаги «Ленинизм» колхози чорвадорлари давлатга жун сотиш йиллик планини муддатидан анча илгари бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар.

Шунингдек, райондаги «Правда» колхози азаматлари ҳам йиллик жун топшириш планини ошириб адо этдилар.

И. ИСМОИЛОВ.

СУВ УЧУН КУРАШ

Миришкор сувчи Ёдгор ота тонг паллада далага чиқди. У пайкал оралаб юрар экан, шогирдлари Умарали Қурбонов билан Йўлдошбой Ҳосиловнинг ишидан мамнун бўлди. «Хайрият, боплашибди, азаматлар» деб кўнглидан ўтказди у. Ҳайдар ота ўйлаганча бор. Ёш коммунист Умарали билан Йўлдошбойнинг ҳали сувчиликда катта тажрибаси йўқ. Лекин улар сув тараган пайкаллардаги ғўзалар доим сувга қонади. Бугун ҳам тунда суғорилган ниҳоллар тетик, бақувват, яшнаб турибди.

Ёдгор ота Олимов кексаларга хос одим ташлаб, Эски Бадрак ариғига етганда, уни сувчилар ўраб олишди.

— Бир маслаҳатимиз бор эди.

— Қани, айтингчи?— Ёдгор ота ёш сувчи Йўлдошбойга қаради.

— Бадракни бир сидра лойқадан тозалаб чиқсак, этаги Чўлли ариғи билан туташиб, сувга сув қўшилади. Шунда Одилов билан Халилов бригадасининг ғўзалари ҳам тўйиб-тўйиб сув ичарди.

Сувчилар таклифи Ёдгор отага маъқул тушди. Ўша куни у раис билан учрашиб, бу ҳақда маслаҳатлашди. Ариқ қазиш учун ишчи кучлари тўпланди. Эртасига «Пахтаобод» колхозининг қариялари ва идора ходимларидан иборат бригада ариқ қазишга — ҳашарга чиқди. Кўп ўтмай 2 700 метр узунликдаги Эски Бадрак ариғи қазиб бўлинди. Энди, сув чиқариш учун Зарафшон қирғоғига иккита насос ўрнатиш керак эди. Бу ишни колхоз инженери Икром Бозоров билан агроном Ориф Бегишевлар бажарди. Бадракдан сув — гавҳар оқа бошлади.

Энди колхоздаги сувчилар сонини ошириш эҳтиёжи туғилган эди. Сувчилар сафига Норбиби Жалилова, Майсара Ҳамроева каби зийрак хотин-қизлар қўшилди. Шундай қилиб, сувчилар сони 54 кишига етказилди. Уларнинг иш қатъий график асосида икки сменада ташкил этилди. Сувчиларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Колхоз деҳқонлари ҳар қатра сувни табаррук, азиз билиб, ғўзаларни табақалаштириб суғоришни жорий этишди. Ерлар уч қисмга: яноқ, текис ва тошлоқ зоналарга ажратилди ва уларга маълум миқдорларда сув нормаси белгиланди. Бу тадбир анча сувни тежаш имконини берди. Ҳар бир зонага тажрибакор сувчилар бошчилик қилади. Ишнинг бу хилда ташкил этилиши, ғўзани ёппасига бостириб суғориш сингари эски, яроқсиз практикага барҳам бермоқда. Культивация ва ғўзани озиқлантиришни суғориш билан боғлаб олиб бориш қўл келяпти.

Бу йил сувга ташналик Бухоро областининг Ғиждувон райони далаларида яққол сезилмоқда. Қадимий Зарафшон дарёсида ҳар йилдагидек пишқириб, қирғоққа урилиб оқаётган сув йўқ. Шунинг учун ҳам райондаги барча хўжаликларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақидаги қарори асосида қўшимча сув резервларини қидириб топиш ва ишга солиш чоралари кўрилмоқда. Оқава сувлардан фойдаланиш ана шундай қўшимча манбалардан биридир. Шу кунларда «Пахтаобод» колхозининг далаларидан ўтиб келаётган оқава сувлардан райондаги «Гулистон», «Ёш ленинчи» колхозларида ғўзаларни суғоришда фойдаланилмоқда.

— Хўжалигимизда 1 830 гектар пахта майдони бор,— деди «Пахтаобод» колхозининг раиси Кувват Турсунов,— экинларнинг ҳаммаси биринчи сувдан чиқарилди. Шу кунларда иккинчи суғориш билан бир йўла «шарбат» ҳам оқизиляпти. Бу ишда Р. Назаров, А. Сафаров, Я. Ҳосилов каби ўнлаб миришкор сувчилар ўрнак бўлмоқда. «Шарбат» учун гўнг ташишга 12 автомашина, 20 арава сафарбар этилган.

Колхозда машина теримига ажратилган 800 гектар ернинг ғўзасини парвариш қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Пахтаси машинада териладиган ерларни бир йўла озиқлантириб, культивациядан чиқариш М. Қудратов, А. Тошов, Ш. Норов сингари илғор механизаторларга юклатилган.

Етти йилликнинг сўнгги йилида сна Ватанга 4 600 тонна ёки ҳар гектар ердан 28 центнердан «оқ олтин» топшириш ишқида колхоз пахтакорлари зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Ҳ. ИКРОМОВ,
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Пахта далаларида

— Етти йилликнинг якунловчи йилида 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» оламиз. Пай ариқ районидаги Куйбишев номли колхознинг Туйғун Абдураҳимов бошлиқ бригадаси пахтакорлари ана шундай яхши ният билан меҳнат қиляптилар. Барча майдонда иккинчи комплекс парвариш тўла тугалланди. Ҳозир учинчи культивация давом эттириляпти. Парвариши соз ўтаётган ғўзалар текис гулга кирди.

А. ТУРСУНОВ.

□ □

Фарғона область Советининг депутати, Ленин орденли Хайриниса Эркабоева Бағдод районидаги «Правда» колхозининг тажрибали пахтакорларидан ҳисобланади. У бошлиқ бригада аъзолари ҳар йилгидек бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қиляптилар. Чаман-чаман гуллаган ғўзалар бунинг далилидир. Гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаган пахтакорлар экин парваришини тобора кучайтирмоқдалар.

Ҳ. ИСХОҚОВ.

ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхози чўпонларини яйлов баҳодирлари дейишади. Бунинг боиси бор. Улар жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш соҳасида ҳар йили жуда катта муваффақиятларни қўлга киритишяпти.

Совхоз азаматларининг бу йилги кўрсаткичлари ҳам дуруст бўлди. Хўжалик бўйича 23 минг 400 бош совлиқнинг ҳар 100 тасидан 132 тадан қўзи олинди. Давлатга қоракўл тери топшириш йиллик плани ошириб бажарилди.

Фермалараро социалистик мусобақада тажрибакор Маман Шодмонов бошқарувчилик қилаётган ферма коллективи биринчиликни эгаллади. Фермадаги қўйлар зооветеринария қоидалари асосида серўт яйловларда парвариш қилинганлиги туфайли ҳар 100 совлиқдан 135 тадан қўзи олинди. Қорамирза Исоқов, Бўронбой Яхшиликов каби илғор чўпонлар янада юксак кўрсаткичларга эришдилар. Уларнинг ҳар бири 100 бош қўйга ҳисоблаганда 150-151 тадан қўзи топширди. Қоракўл териларнинг таннархи пландагига нисбатан 30 процент пасайтирилди. Боқувга қўзи қолдириш плани бир ярим баравар адо этилди.

Фермаларда баҳорги жун қирқими муваффақиятли ўтказилди. Биринчи қирқимдаёқ ҳар бош қўйдан пландаги 1,6 килограмм ўрнига 1,8 килограммдан сифатли жун қирқиб олинди.

Яйлов баҳодирлари шу нечакунлузда қўйларни энг яхши далаларда боқяптилар. Улар келгуси йили ҳам совлиқлардан кўплаб қўзи олиш мақсадида чорва моллар парвариши билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни оғишмай амалга оширмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
М. ЗИКИРОВ.

ОТА ҲИММАТИ

Бундан етти-саккиз йил илгари Қўчқор ота илғор пахтачилик бригадаларидан бирига раҳбарлик қиларди. Ушанда унинг бригадаси ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олиб, ҳосилдорлик жиҳатидан колхозда энг олдинги ўринларни эгаллаган эди. Ота анча кексайиб қолгани сабабли, колхоз правлениеси уни енгилроқ ишга, яъни ем-хашак бригадасига бошлиқ этиб тайинлади. Лекин, суяги пахтазорда, машаққатли ва шарафли меҳнатда қотган деҳқон бу ишга ҳадеганда кўникавермади. Гарчи ишни дўндириб қўяётган бўлса ҳам, ўз наздида яллоқилиб юрганга ўхшаб туйилаверди. Ота кўп мулоҳазаларга борди. Қараса бўлмайдиган. Ниҳоят правлениега мурожаат қилди:

— Агар лозим топсаларингиз, яна ўз бригадамга қайтсам.

— Яхши ўйлабсиз, — деди колхоз раиси Исомиддин ака кулиб. — Сиз кетдингиз-у, бригададан файз кўтарилди. Ўтган йили ҳосилдорлик гектар бошига 25 центнерга аранг етди. Сизни ўз бригадангизга жон-жон деб юборамиз...

Шу-шу бўлди-ю, Қўчқор ота яна пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлиб қолди. Отахон 1964 йилнинг қиш чилласида белни маҳкам боғлаб, ишга киришиб кетди. Охунбобоев районидаги «Лениннобод» колхозида бу лафзи ҳалол деҳқоннинг ишига қойил қолмаган одам бўлмади. Отанинг бригадаси ҳар гектар ердан планда кўзда тутилган 27 ўрнига 41,2 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш шарафига муяссар бўлди. Ана шундай катта муваффақиятлар эвазига Қўчқор ота Акбаров Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги муносабати билан энг олий мукофот — Ленин ордени олишга сазовор бўлди.

Қўчқор ота олтмиш ёшга кирди. У ҳали бардам, кўзи нурли, юраги ёлқинли. Кўпни кўрган миришкор деҳқоннинг бу йилги режалари ҳам улкан. Отахон раҳбарлик қилаётган бригаданинг азамат пахтакорлари 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш ҳақида қатъий аҳду паймон қилдилар.

— Элни қадрлаган — сўзни қадрлайди, — дейди Қўчқор ота. — Ваъда бердикми, унга вафо ҳам қиламиз. Сўз бердикми, унинг уддасидан чиқамиз. Шу мақсадда ҳар бир туп ғўзамизни азиз фарзандимиздек ардоқлаб парвариш қиляпмиз.

Ҳа, чиндан ҳам Қўчқор отанинг бригадасида эллик центнерлик хирмонни чоғ қиладиган баракали ҳосил етиштирилаяпти. Кенг пайкалларда кезсангиз, яхши парвариш туфайли яшнаб ўсаётган, бўйи тиззадан ошган, шонаси кўпайиб, ранг-баранг гулга бурканган серавж, соғлом, дуркун ғўзаларни кўриб, бригада аъзоларининг ўз сўзлари устидан чиқиш учун катта ишлар қилаётганига ишонч ҳосил қиласиз, албатта.

— Сув бир оз танқисроқ бўляпти бу йил, — дейди Қўчқор ота. — Биз шуни эътиборга олиб, ғўзани кеча-кундуз суғоряпмиз. Бир томчи сувнинг ҳам беҳуда оқиб кетмаслиги учун жон куйдиряпмиз. Бунда республикамиздаги бир группа илғор пахтакорларнинг мурожаатида қайд этилган маслаҳатларга эътибор беряпмиз.

Биз моҳир сувчиларнинг ишини кузатиб, бригадада ҳар бир томчи сувдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, бирор туп ғўзани сувга бостирмаслик ёки сувсиз қолдирмаслик учун курашаётганини кўрдик. Бригаданинг Юнусали Бўтаев, Эргашбой Малаев ва Усмон Осмонов ўртоқлар сингари тажрибали сувчилари суғоришни қойил қилиб ўтказмоқдалар. Улар ерда намнинг узоқроқ сақланиб қолишини таъминлаш мақсадида барча майдондаги ғўзаларга «шарбат» усулида сув тарамоқдалар. Бунинг учун пайкалларнинг сув қўйиладиган томонидаги махсус чуқурларга кўплаб чиритилган гўнг тўкилмоқда ва ҳар гектар ерга сувга қўшиб, ўрта ҳисобда 2,5-3 тоннадан гўнг оқизилмоқда. Бу тадбир, биринчидан, ғўзанинг ривожини тезлаштириб, ҳосил тугунчаларини кўпайтирса, иккинчидан намнинг узоқ вақт сақланиб қолишига, культивация ва чопиқ сифатининг яхшиланишига, тупроқнинг майин юмшатилишига ёрдам бермоқда.

Бригадада ишчан механизатор Шокиржон Темировнинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У ана шу бригаданинг ютуқларини кўпайтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган олов қалбли йигитлардан. Ҳозир у ўз агрегатини моҳирлик билан бошқариб, ғўза қатор ораларини тўртинчи марта узунасига ва учинчи марта кўндалангига ишлашни тугалламоқда. «СУЗ» билан ғўзаларни икки марта сифатли ўғитлаб берган ҳам шу азамат йигит бўлди.

Ўтган йили шу бригадада 28 гектар ердаги ҳосил «зангори кема»ларда териб олинган эди. Бу йил эса камида 40 гектар ердаги ҳосил «пўлат этак»лардан тўкилади. Бунга олдиндан ҳозирлик кўриб қўйилмоқда. Машина теримига ажратилган участкалардаги ғўзалар алоҳида эътибор билан парвариш қилинмоқда.

Қалб амри билан эзгу ишга отланган ва бу йўлда ажойиб ютуқларга эришаётган Қўчқор ота Акбаров бошлиқ юқори ҳосилли бригаданинг бугунги ишлари ҳам, эртанги режалари ҳам ана шундай ибратлидир. Тиним билмас, олийҳиммат отахон деҳқоннинг эллик центнерлик улкан хирмонни баланд кўтаришига шак-шубҳа йўқ.

Т. МАҲМУДОВ.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ПАХТАМИЗ — БАХТИМИЗ

Машъал пахтакорларнинг газетамиз саҳифасида босилиб чиққан мурожаати ҳамон кишилар қалбини ҳаяжонга солмоқда, уларнинг меҳнат активлигини оширмоқда. Айниқса республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига катта ҳисса қўшадиган андижонлик пахтакорларнинг ғайрат-шижоати янада ошиб бормоқда. Улар шу кунларда ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парвариш қилиб, бўлғуси ҳосилга замин яратишмоқда.

Область пахтакорларининг машъаллар мурожаати асосида ҳозирги кунларда олиб бораётган ташкилотчилик ишлари, ғўза қатор ораларидаги фидокорона меҳнати **«Коммунист»** газетаси саҳифаларида яхши акс эттириляпти. Газета «Пахтамиз — бахтимиз» деган умумий сарлавҳа остида ўзининг бутун бир саҳифасини андижонлик азамат пахтакорларнинг зафарли ишига бағишлаган. Чунончи, Избоскан районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи Сулаймонқул Турғунов тўлқинланиб ёзади: «касбини улуғлаган, элга меҳри кучли бўлган пахтакор мана шу кунларда, ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган дамларда мардлик, қаҳрамонлик намунасини кўрсатади». Шунингдек, Андижон районидаги Серго номли колхоз раиси Кароматхон Аҳмедова, Янгиқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози партия комитетининг секретари И. Турғунов ўртоқларнинг мақолалари ва бошқа материалларда ҳам область хўжаликларида юқори ҳосил учун кураш тобора қизғин тус олиб бораётганлиги ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилинади.

Август ойи ҳисобига

Етти йилликнинг охирги йили планини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, социалистик мусобақани қизитиб юборган Оҳангарон шаҳридаги 9-шахта коллективи 6 ойлик планни 23 июндаёқ бажаришга муваффақ бўлди. Ярим йил ичида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобидан давлатнинг 50 мингдан ортиқ маблағи тежаб қолинди.

Кончилардан Д. Рўзибоев, Ж. Йўлчибоев, А. Баскаков, А. Мускулов ўртоқлар смена топшириғини 115-120 процентдан бажариб, шу кунларда август ойи ҳисобига кўмир қазиб чиқаришмоқда.

И. АҲМЕДОВ.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛСИН

БУХОРО ПАХТАКОРЛАРИ САМАРҚАНД ДАЛАЛАРИДА

САМАРҚАНД, (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Самарқанд ва Бухоро областлари пахтакорлари бир неча йиллардан буён ўзаро мусобақалашиб келадилар. Экин майдонлари Зарафшон дарёсидан суғориладиган бу икки область колхоз ва совхозлари бу йил қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан юксак мажбуриятлар олганлар. Ленин орденли самарқандликлар Ватанга 345 минг тонна, бухороликлар эса 310 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга аҳдлашишган.

Бухоро область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. Бозоров бошлиқ ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Самарқанд областига келди. Мусобақадошлар тўрт группага бўлиниб, областнинг турли районларида иш бошлаб юбордилар.

Бухоро район партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Эргашев раҳбарлигидаги бир группа пахтакорлар Нарпай районидаги колхозларида бўлишиб, ғўза қатор ораларини юмшатиш, озиқлантириш ва суғориш билан қизиқишди. Карл Маркс номли колхознинг М. Бозоров, С. Йўлдошев, Киров номли колхознинг У. Қаҳҳоров, «Иттифоқ» колхозининг А. Тўрабов, Э. Давронов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида оз сув билан ҳам кўп майдонлардаги ғўзалар қондириб суғорилаётганини кўриб мамнун бўлдилар. Ленин орденли А. Тўрабов бошлиқ бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтарган бўлса, бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказмоқчи. Бунинг учун бригада далаларида қизғин иш бормоқда. Бригаданинг 124 гектар майдонидан 60 процентидаги ғўзалар яппи гуллаган. Бухоролик меҳмонлар мазкур бригада тажрибасини қизиқиб ўргандилар.

Мусобақадошлар ғўза парваришидаги жиддий камчиликларни ҳам дангал очиб ташладилар, баъзи жойларда мажбуриятга яраша меҳнат қилинмаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. «Ўзбекистон» ва Ленин номли колхозларда ғўза кўндалангига культивация қилинмаган. Катта-катта карталарда ўсимлик бегона ўт орасида қолиб кетган. Бундай аҳвол хусусан, «Ўзбекистон» колхози далаларида кўпроқ кўзга ташланади. О. Иброҳимов, А. Каримов, Х. Суюнов ўртоқлар бошлиқ бригадалар далаларида ягана сифатсиз ўтказилган. Уяларда 5-6 тупдан ғўза қолдирилган майдонлар ҳам бор. Бунинг устига ғўза кўллатиб суғорилмоқда.

«Пахтакор», «Октябрь», Свердлов номли колхозларда сувдан кеча-кундуз фойдаланишга эътибор берилмаяпти. Сувчилар ўртасида интизом бўш. Шу сабабли кечалари сув бекорчи жойларга оқиб, исроф бўлмоқда. «Пахтакор» колхозининг 12-бригадасида 3 гектар майдондаги ғўза бостириб суғорилган. Натижада сув икки баравар кўп сарфланган. Карталарнинг баъзи жойлари кўллатиб юборилган бўлса, баъзи жойларига сув етиб бормаган.

Бухоро пахтакорлари вакиллари Каттақўрғон, Пастдарғом, Пайариқ районларидаги қатор хўжаликларда ҳам бўлишиб, ғўза парваришида талай камчиликларни очиб ташладилар. Ҳар бир колхозда, бригада ва звенода олинган мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш юзасидан фойдали маслаҳатлар бердилар. Текшириш якунлари колхоз активларининг иштирокида кенг муҳокама қилинди, аниқланган камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар берилди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ РАЙОНЛАР РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЁЗИЛАДИЛАР:

Пахтаорол, Зомин, Ғузор, Қарши, Камаши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Хўжайли, Қўнғирот ва **Чимбой** районлари.

ЯНГИ РЕЖАЛАР

Сурхондарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг сўнгги пленуми қарорлари асосида область партия ташкилотининг вазифалари масаласини муҳокама қилди. Бу ҳақда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Муродов доклад қилди.

Пленум область қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги режаларини белгилаб, қарор қабул қилди.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАЙНОҚ ҲАЁТ САРИ

Тошкент олий партия мактаби партия, совет ходимлари, журналист кадрларнинг назарий билим савиясини оширувчи илмий марказлардан ҳисобланади. Мактаб республикамиз учунгина эмас, балки Ўрта Осиёдаги қардош республикалар учун ҳам юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг чинакам ўчоғига айланиб бормоқда.

Кейинги етти йил мобайнида мактабни 3 мингдан ортиқ киши битириб чиқди. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё республикаларидаги йирик саноат корхоналарига, колхоз ва совхозларга, партия ва совет органларига бевосита раҳбарлик қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалигига моҳирлик билан раҳбарлик қилишни, иқтисодий қонунларни пухта ўрганишни, ҳозирги замон фанини чуқур эгаллашни, назарий билимларни амалий иш билан маҳкам боғлаб олиб боришни қатъий талаб қилди. Ана шунга биноан олий партия мактаби ўз ишини қайта қурди. Натижада мактабдаги назарий машғулотлар илғорлар тажрибаси билан, қишлоқ хўжалик практикаси билан бевосита боғлаб олиб борилмоқда. Чунончи, шу йил 103 тингловчи «ХВС-1,2», «ХТ-1,2» пахта териш машиналарини бошқаришни ўрганиб, механик-ҳайдовчи дипломини олди. Улар Сирдарё областининг колхоз ва совхозларида бўлиб, қишлоқ хўжалик ишларида бевосита актив қатнашдилар. Колхоз ва совхозлар улар учун катта тажриба мактаби бўлди. Тингловчиларимиз колхозчилар, совхоз ишчилари орасида оммавий-сиёсий ишларни авж олдиришда ҳам партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бердилар. Шу йил мактабни битириб чиқувчи тингловчиларнинг катта қисми шу ердаги хўжаликларга раҳбарлик қилиш учун йўлланма олдилар.

Мактабнинг саноат группаси тингловчилари ҳам фанни ишлаб чиқариш билан узвий боғлаган ҳолда таълим олмоқдалар. Улар Ўрта Осиё республикаларидаги йирик саноат корхоналарида бўлиб, машина, станок ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштиришга қолмай, шу корхоналардаги бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарлик методларини ўргандилар, омма ўртасида ишлашнинг ленинча услубларини амалга оширдилар.

Матбуот ходимлари бўлимидаги тингловчилар яқинда икки ойлик ишлаб чиқариш практикасидан қайтдилар. Уларнинг кўпчилиги қардош республикалардаги газета, радио ва телевидение редакцияларида бўлиб, улардаги илғор тажрибаларни қунт билан ўргандилар, матбуот тарихи, назария ва практикаси соҳасида олган билимларини турмушга татбиқ қилиб, турли жанрларда 250 дан ортиқ материал эълон қилдилар. Улар ўзларининг журналистик малакаларини ошириш билан бирга, мактабда олган билимларини ҳаёт тажрибаси билан янада бойитдилар.

Бугун мактабимизни 110 киши битириб, Ўрта Осиё партия ва совет ташкилотларида ишлаш учун қайноқ ҳаёт сари йўлланма оладилар. Улардан 56 киши Ўзбекистон, 24 киши Киргизистон, 17 киши Туркманистон ва 15 киши Тожикистон республикаларининг вакилларидир.

Бизнинг мактаб — қардошлик, дўстлик ва социалистик интернационализм мактаби ҳамдир. Бу ерда 20 дан ортиқ миллат вакиллари таълим олади. Қардош республикалардан келган рус, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа миллатларнинг вакиллари бир-бирларига ёрдам бериш билан бирга, фан чўққиларини эгаллашдаги катта қийинчиликларни бартараф қилишда ҳам самимий дўстликнинг ажойиб намуналарини кўрсатдилар. Ана шу дўстлик туфайли турли миллат вакиллари бўлган Т. Гульдарбогов, С. Гордеев, И. Дронов, Г. Остапенко, Н. Ричкин, Х. Сангинов, Б. Саидов, Н. Югай ва бошқалар мактабни имтиёзли диплом билан битиришга муяссар бўлдилар.

Бу тингловчилар фақат аълo баҳоларда ўқиш билан кифояланиб қолмай, партия ва жамоат ишларида ҳам актив қатнашдилар. Шулар қаторида актив тингловчилардан Б. Каримов, И. Норбоев, Ф. Ботиров, Л. Никулина, Ю. Кривошеев ва бошқалар мактабни аълo ва яхши баҳолар билан тамомлаб чиқдилар.

Тингловчиларни интернационализм руҳида тарбиялашда партия, жамоат ташкилотлари ва кафедралар муҳим роль ўйнади. СССР халқлари дўстлиги кечалари, жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар, қардош республикалар ҳаётини акс эттирувчи выставкалар ва бошқалар тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Тингловчиларнинг марксча-ленинча фан хазинасини ўрганишларида ўқитувчи-профессорлар составининг хизматини алоҳида қайд қилмоқ керак. Ҳозирги пайтда мактабимизда 30 дан ошиқ фан доктори, доцент ва фан кандидатлари ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги юқори малакали мутахассисларидир. Булардан академик К. Житов, фан докторлари Н. Сапильников, И. Тоғаев, фан кандидатлари Ж. Бобоев, Е. Греднева, Д. Юн, А. Михайлов ва бошқалар партия, совет ва журналист кадрлар тайёрлаш соҳасида ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида самарали ишлаб келмоқдалар.

Ўқитувчи фақат билим беришгина қолмай, у мураббий ҳамдир. У тингловчиларни юксак коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда, уларнинг онгига халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализм ғояларини сингдиришда жуда катта тарбиявий иш олиб боради. Шу билан бирга ўқитувчи-профессорлар коллективи ўз педагоглик маҳоратларини, илмий ва сиёсий савияларини ошириш устида ҳам қунт билан ишламоқдалар. Бу йил Москвада старший ўқитувчилардан Т. Мазитова, Л. Бреславский кандидатлик ва И. Тоғаев докторлик диссертацияларини муваффақият билан ёқладилар. Доцентлардан Ж. Бобоев ва Т. Эрназаров ўртоқлар докторлик, Қ. Бўронов, И. Исомиддинов, И. Петров ва бошқалар кандидатлик диссертацияларини ёқлаш арафасида турибдилар.

Ижтимоий кафедраларнинг бир гуруҳ олимлари Ўрта Осиёда социализм қурилишнинг тарихий тажрибасини ўрганиш соҳасида кўп йилдан бери илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу илмий монография Москвадаги «Мысль» нашриёти томонидан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб нашр этилади.

Партия мактабини тамомлаганлар бу йил халқ хўжалигининг муҳим участкаларида ишлайдилар. Улар партия Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашнинг олдинги сафларида борадилар. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Партия мактабини битирувчилар ўқиш даврида назарий билим олибгина қолмай, сиёсий жиҳатдан ҳам чиниқдилар. Аммо бу билан кифояланиш ярамайди, албатта. Ҳақиқий мактаб — қайноқ ҳаёт, коммунизм иши учун, партия иши учун ҳормай-толмай курашиш ва меҳнат қилишдир.

Ф. ОРИПОВ,
Тошкент олий партия мактабининг директори.

ҒАМХЎРЛИК

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари партия Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланиб, бу йил она-Ватанга 226 минг тонна «оқ олтин», 6.800 тонна гўшт, 25.600 тонна сут ва 50.500 тонна ғалла етиштириб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шолиқорлик ҳам ривож топади. 1970 йилда 25 та йирик шолиқор хўжаликлар тузилиб, экин майдонлари 140 минг гектарга кенгаяди. Амударё қирғоқларидаги мамлакатимизнинг йирик шолиқорлик базасига айланади.

Биз олий партия мактабини битирувчи бир гуруҳ қорақалпоқлар асосан қишлоқ район партия комитетлари ва ижроия комитетларида ишлаш учун йўлланма олдик. Автоном республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида турган катта вазифаларни ҳал қилиш ишига актив қатнашиб, ўз билим ва тажрибаларимизга таянib иш кўрамиз.

Мактабнинг профессор-ўқитувчиларининг бизга нисбатан кўрсатган ғамхўрлик ва меҳрибонликларини асло унутмаймиз.

Р. РАЖАБОВА,
А. МАУЛЕНОВ.

ЭЗГУ НИЯТ

Биз бу ерга Тожикистоннинг узоқ районларидан — Помир тоғларидан, Кулоб водийсидан, Панжикент яйловларидан келганмиз. Биз мактабгача район партия комитетларида ишлаб юрган пайтларимизда жуда қийналдик. Чунки, бизда одамлар билан ишлаш тажрибаси бўлса ҳам, лекин назарий билимлар етишмас эди. Шунинг учун ҳам олий партия мактабига ўқишга юборишларини партия ташкилотларидан илтимос қилдик. Бизнинг эзгу ниятимиз амалга ошди.

Тўрт йил мобайнида фақат илм олиб қолмай, қардош Ўзбекистон далаларида бўлдик, илғор пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари билан ҳамсуҳбат бўлдик. Тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Бизнинг билимларимиз ҳаёт тажрибаси билан бойиб, янада такомиллашди. Биз ғоявий хазина билан жонажон юртимизга жўнаб кетмоқдамиз. Бу ерда олган билимларимизни ва илғор тажрибаларни ўз республикамиз қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ишига тўла сафарбар қиламиз. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорини амалга ошириш учун курашда бизга бу ерда олган билимларимиз сўзсиз катта ёрдам беради.

Т. ГУЛЬДАРБОГОВ,
Б. УМАРОВА,
А. МИРАСИЛОВ.

АЖОЙИБ ДИЁР

Биз туркман фарзандлари тўрт йил давомида Ўзбекистон пойтахтида ўқиб, назарий билимимизни оширдик, амалий машғулотлардан нўп фойда олдик. Турли миллат вакилларидан дўст орттирдик. Буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ўқиш йилларида кўп нарсаларни кўрдик. Уфқлар билан туташиб кетган бу кўҳна пахта диёрининг далаларида бўлиб, пахта етиштириш санъатини ўргандик. Ҳаммадан ҳам бизга Ўзбек деҳқонлари ёқиб қолди. Шу ўринда бу ажойиб кишилар ҳақида кўп яхши гаплар айтишни истар эдик.

Ўзбек пахтакорлари ҳақида атоқли чех публицисти Юлиус Фучик жуда образли қилиб, шундай деган: «Римда сеҳрли қудуқ бўлган эмиш, у қудуқнинг суви ширин бўлганидан одамлар қайта-қайта келиб, ундан сув ичиб тўймас эканлар. Аммо Ўзбекистонда бундай афсона учун материал йўқ. Чунки, ариқлардаги сув лой қа, уни ичиб бўлмайди. Аммо бу диёрнинг одамлари шундай ажойиб хислатга эгаки, улар билан ҳамсуҳбат бўлсанг ҳеч қачон унутмайсан».

Ҳа, худди шундай! Бу сўзлар биз туркманларнинг ҳам юрак сўзларидир. Биз бу диёрни Юлиус Фучик сингари қалбдан севиб қолдик. Буни бир умр хотирамизда сақлаймиз.

Я. БОБОМУРОДОВ,
Т. ОСМОНОВ,
Б. ЖУМАЕВ.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТМАНГ!

Тоғлар орасидаги Нурота районидан редакцияга келган бир хатда ёш қизларни ўқиш дан қолдириб, эрга берилаётгани, бу аянчли ҳолга айрим мактаб директорларининг ўзлари, ҳатто баъзи комсомоллар, коммунистлар бош қўшаётганликлари кўрсатилган. Хат эгалари келтирилган фактларни синчиклаб текширишни илтимос қилишган эдилар.

Мактуб изидан «Ғозғон» совхозининг «Социализм» бўлимига бордик. Ўқувчилар, активлар билан суҳбатлашдик, аҳволни чуқур, атрофлича текшириб кўрдик.

Бундан бир йил муқаддам шу бўлим қошидаги кутубхона мудири коммунист Бахмал Шобердиева саккизинчи синфда ўқиётган 15 яшар Унсинойни ўғли Усмонжонга «фотиҳа» қилдириб қўяди. Қизнинг отаси Равшан Нрисов қалин ҳисобидан 500 сўм пул, қўй, ун, 50 килограмм шакар олади. Шушу бўлади-ю, қиз ўқишдан қолдирилади, уйдан ташқарига чиқмайдиган бўлиб қолади. Куёв томон ҳам, келин томон ҳам қизнинг ёшини катта қилиб, тезроқ тўй қилиш тараддудига тушадилар. Бахмал Шобердиева кутубхонани бир ойлаб ёпиб, Ғозғон қишлоқ Совети, район ЗАГС бўлимига қатнайди. Қизнинг ёшини катта қилиб кўрсатиш учун қалбаки ҳужжатлар тўпланади.

Кўп югуришлардан кейин қизга «1947 йил 15 февралда туғилган» деган гувоҳнома олишга муваффақ бўлинади. Шундан сўнг, 1964 йил охирида никоҳ тўйи ўтказилади. Аслида Унсиной Равшенова 1949 йилда туғилган бўлиб, эндигина ўн олти баҳорни кўрган. Унинг балоғатга етмаганлигини қишлоқ Совети туғилиш дафтарининг 368 бетида қайд қилиб қўйилганидан ҳам билиш мумкин.

Мактаб ёшидаги бу қизнинг эскича ўтказилган никоҳ тўйида бўлим бошқарувчиси Худойберди Назаров, 10- мактаб директори Исроил Худойбердиев, илмий бўлим мудири Қурбон Қўчқоров ҳам иштирок этишган.

Ёш қизлар хўрланаётган бу мактабда ўқиш-тарбия ишлари издан чиқарилган. Дарсларни ўзлаштирмовчилар кўп. VII ва VIII синфлардан Хадича Камолова, Муслима Саломова, Одсулув Йўлдошева, Ҳосиятой Камолова каби кўплаб қизлар ўқишдан кетиб қолганлар.

Райондаги мактабларда хотин-қиз ўқитувчилар жуда оз. Бунга сабаб ўрта ва саккиз йиллиқ мактабларни битирган қизлар олий ўқув юртларига деярли юборилмайди. Бунинг устига юқори синфларга ўтгандан кейин қизлар ўқишни ташлаб кетадилар. Масалан, 1960-1961 ўқув йилида биринчи синфларга 557 қиз ўқишга тортилган бўлса, бу йил район бўйича IV синфларда фақат 396 қиз ўқиётир. Қолган қизлар қани? XI синфларда атиги 123 қиз бор. Биз бўлган «Ғозғон», 1- «Қўшробод» ва 2- «Қўшробод» совхозлари қошидаги кўпчилик мактабларда аҳвол бундан ҳам ёмон.

— Ўрта мактабни тамомлаган қизлардан қанчаси олий ўқув юртларида ўқияпти? —сўрадик 10- мактаб директори ўртоқ И. Худойбердиевдан.

— Эслайолмайман, — деди у.

Кейинги беш йил ичида бу мактабни 35 қиз битириб чиққан. Уларнинг биронтаси олий ёки ўрта махсус ўқув юртига тортилмаган, кўплари ёш бўлса ҳам эрга бериб юборилган. 1963—1964 ўқув йилида мактабни тамомлаган 10 қиздан бир киши ҳам ўқишни давом эттираётгани йўқ.

Районда хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш фактлари содир бўлмоқда. «Ғозғон» совхози 4-бўлимининг чўпони Ботир Ҳакимов, 1- «Қўшробод» совхозининг ишчиси Абдумурод Жаҳонгиров, Абдулла Тўрақуловларнинг бўйи етмаган қизларга уйланганликлари бунинг далилидир.

Район партия комитети, комсомол комитети, халқ маорифи бўлими, суд-прокуратура органлари хотин-қизларга нотўғри муносабатда бўлаётган шахсларга нисбатан қаттиқ чора кўрмаётирлар.

Хотин-қизлардан раҳбар кадрлар тайёрлаш ишлари ҳам эътибордан четда қолаётир. Ёшасига совхозлашган йирик чорвадор бу районда хотин-қизлардан ақалли бирорта совхоз директори, зоотехник, ҳатто бўлим бошқарувчи йўқ. Райондаги 87 мактабдан фақат учтасида аёллар директорлик қилади. Савдо ходимлари, врачлар орасида хотин-қизлар бармоқ билан санарли. Энг йирик савдо ташкилоти ҳисобланган 1- «Қўшробод» совхозидаги 49 савдо шохобчасидан атиги биттасида хотин-қизлар ишлайди. Совхоз марказидаги ва бўлимлардаги ошхоналарда ҳам аёллар кўринмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Нурота районида, кўпгина хўжаликларда, қишлоқ Советлари ва муассасаларда хотин-қизлар билан ишлаш унутилган деса бўлади. Бу тўғрида яна кўп фактларни келтириш мумкин. Район ташкилотлари, биринчи навбатда район партия комитети бундан тегишли хулоса чиқариб олиши керак.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкент олий партия мактабининг тингловчилари ўқиш давомида назарий билим олиш билан бирга практик машғулотлар ҳам ўтказадилар. Суратларда: тингловчилардан М. Гелдиев, Б. Аннақулова ва П. Петинлар пахта териш машинасини бошқаришни ўрганмоқдалар. Ўнгда партия мактабининг доценти Н. А. Малицкий ва тингловчилар К. Рамазонов ҳамда З. Рашидовлар пахта даласида практик машғулот ўтказишмоқда.

А. Хренников фотолари.

ХУШХАБАРЛАР

ДАШТДА ИЛМИЙ МАРКАЗ

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Фарғона комплекс экспедицияси вишка посёлкасидаги Қизилтепа массивида ишлай бошлади. Янги илмий марказда йирик олимлар — мелиораторлар, агрохимиклар, агрофизиклар, биологлар бўлиб, улар Марказий Фарғонадаги дашт ерларни комплекс усулда ўзлаштиришнинг муҳим проблемаларини — ерларни суғориш ва шўрини кетказишнинг усулларини, шўрҳок ерларни химиявий йўл билан қуритиш, тупроқни нураштан сақлаб қолиш методларини ишлаб чиқадилар.

ТАРАДДУД

Бухородаги пахта тозалаш трести норхоналарида янги мавсумга тайёргарлик кўрилмоқда. Майдончалар ремонт қилиниб, янгиларига асфальт ётқизилмоқда. Қоракўл ва Навоийдаги заводларда пахтани қуритиш-тозалаш цехлари, Бухородаги заводда эса янги цех қурилиши тугалланай деб қолди.

Барча заводларда чигитни тозалайдиган аппаратлар монтаж қилинмоқда. Бу ҳол чигит ва момиқнинг сифатини яхшилайди.

ТРАКТОРЧИЛАР ОҚСОҚОЛИ

Иштиҳон районидаги Энгельс номли колхозда 64 ёшли трактурчи Алиқул Ҳамроевнн трактурчиларнинг оқсоқоли деб атайдилар. Алиқул Ҳамроевнинг тенгдошлари у колхоз даласида биринчи трактор билан эгат олган пайтларни эсларидан чиқарганлари йўқ.

Бироқ, ҳозир ҳам ёш трактурчилар ўз оқсоқолларига етиб олиш учун зўр бериб меҳнат қилишлари керак. Алиқул Ҳамроев гўзани культивация қилиш нунлик нормасини ошириб адо этмоқда. Ҳамроевнинг номи ҳурмат тахтасига ёзилди. Ҳамиқишлоқлари Алиқул отани меҳнат юбилейи — трактурчи бўлиб ўттиз йил ишлаганлигини билан табрикладилар. (ЎзТАГ).

ОТА ЎҒЛИ



Бу воқеа зулмат билан нур олишаётган 1942 йил июнида юз берган эди. Радистлар фашист кемаларидан даҳшатли радиограмма хабарларини ушладилар. Душман кемасининг капитани совет сув ости кемасининг зўр ҳужуми ҳақида хабар бериб, ёрдамга чақирарди. «Кемамизнинг таги ёрилди... Чўкяпмиз, ёрдам беринглар»... Кичик совет сув ости кемаси душманнинг иккита катта транспортёрини ишдан чиқарганлиги ҳақидаги хабар тезгина қисмларданқисмларга тарқалди. Бу қаҳрамонликни Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди. Шамсиддинов — сув ости дивизионининг энг яхши командирларидан биридир. У кўпгина ёш командирларни тарбиялаган. Биринчи жангда унинг сув ости кемаси душманнинг икки транспортёрини яксон қилди. Капитан-лейтенант Шамсиддинов юксак ҳукумат мукофотига лойиқ деб биламан.

Дивизион командири
В. А. Егоров».

Командирнинг бу дафтари ҳозир архивда сақланмоқда. Архивда бошқа ҳужжатлар — чунончи, турли газета саҳифалари, «Жанговар варақалар», доклад ёзишмалар бор. Булар дарҳол бир вақтда ёзилган. Уларнинг аксариятида ўзбекистонлик саркарда Ҳаким Шамсиддиновнинг қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Мана улардан бири: гитлерчилар сув йўли алоқасини тиклашга зўр бериб уринардилар. Улар сув транспортларини эскадронлар, миноносецлар билан қўриқлаб турардилар. Фашист кемалари устида ўнлаб самолётлар уни мудофаа қилиб борарди. Ана шундай шароитда сувда жанг қилиш жуда мушкул эди. Сув ости кемасининг сал ишонасини сезган гитлерчилар ўша ерга юзлаб бомба ташлардилар. Шундай бўлса ҳам, капитан-лейтенант Шамсиддиновнинг кемаси душманга ҳужум қилиб, галабага эришарди. Бу тенгсиз жанг эди. Аммо ажойиб иродали, коммунистик чиниқиш мактабини ўтган совет сув ости кемаси экипажи галабага эришарди. Ўша йил июлининг охирида флот штабига телеграмма келди. «Душманнинг бешта транспортёрини чўктирдик. Қисмга қайтаётирмиз!»

Бироқ, кема дўстлар ҳузурига сиҳат-саломат етиб келолмади. Кронштадтга қайтиб келаётган кемага душманнинг 6 та катери ҳужум қилди. Ўртада қаттиқ олишув бошланди. Тенгсиз жангда душманнинг бир катери сафдан чиқди. Аммо кўп ўтмай, кема экипажи ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ана шу воқеага 20 йилдан ортиқ вақт ўтди. Совет ҳарбий офицерлари сафида яна Шамсиддинов деган фамилия пайдо бўлди. Бу бир эмас, икки Шамсиддинов—Ҳамид ва Комил Шамсиддиновлардир. Булар Улуғ Ватан урушининг арафасида қаҳрамон Ҳаким Шамсиддинов хонадонида дунёга келдилар. Ака-укаининг ҳаёти, болалиги оғир кунларга тўғри келди. Улар отасининг қаҳрамонларча вафоти ҳақида хабар келганда Самаркандда яшашарди. Она бу машъум хабарни эшитиб, касалга чалинди. 1946 йилда вафот этди. Ҳамид билан Комил болалар уйида тарбияланди. Улар мактабни тугатгач, ота йўлидан боришга, отанинг шон-шуҳратини бойитишга қасамёд этдилар. Улар Олий ҳарбий денгиз билим юртини аъло баҳолар билан битирдилар. Ҳозир эса совет денгиз флотларидан бирида хизмат қилмоқдалар. Ака-ука Шамсиддиновлар флотнинг энг илғор офицерлари, денгиз тўфонларини мардонавор енгувчи довюрак денгизчилардир.

Яқинда мен ака-ука Шамсиддиновларни Ленинград Ҳарбий-Денгиз музейининг «Улуғ Ватан уруши» залида учратдим. Улар бу ерга ленинградлик мактаб ўқувчиларига ўз отаси ҳақида, ўзларининг денгизчилик ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилиб беришга келган эдилар.

— Сўнгги пайтгача биз отамиз ҳақида кўп нарсаларни билмас эдик, — деди ўз сўзининг охирида Ҳамид Шамсиддинов.— отамиз ҳалокатининг тафсилотини яқши билмас эдик. Яқинда биз архивдан бир ҳужжат топдик. Унда отамиз ҳақида жуда кўп нарсалар гапирилган.

— Биз ака-ука қасамёд ичганмиз, — деб сўзга қўшилди Комил Шамсиддинов, — ҳаётимизнинг охиригача худди отамиздек, Ватанга, ўз халқимизга хизмат қиламиз. Агар керак бўлса, бу йўлда отамиз каби жонни фидо қилишга ҳам тайёрмиз.

Аҳмад ТАРЧОКОВ.

«ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҲУРМАТ ШУМИ?»

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузуридаги трамвай-троллейбус бошқармаси «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 23 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолага қуйидаги жавобни юборди.

«Йўловчиларга ҳурмат шуми?» сарлавҳали танқидий мақола трамвай-троллейбус бошқармасига қаратилди барча парклар ва ҳаракат-хизмати ходимлари орасида кенг муҳокама этилиб, унда келтирилган фактлар мутлақо тўғри деб топилди. Ҳақиқатда сўнгги вақтларда 8, 11, 7 ва бошқа маршрутлар бўйича трамвайларнинг график асосида қатновида жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Бу йўловчиларнинг ҳақли ранжишига сабаб бўлди. Бундай нуқсон троллейбус қатновида ҳам рўй берди. Танқидий мақола муҳокама қилиб чиқилгандан кейин трамвай-троллейбусларнинг қатнов графиги қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди. Ишчи-хизматчилар ишга бораётган ва ишдан қайтаётган вақтларда трамвай-троллейбуслар сонини кўпайтириш, тезлигини ошириш тадбирлари белгиланди. Янги олинган вагонлар йўлга чиқарилди. Диспетчерларнинг масъулияти кучайтирилди. Улар трамвай-троллейбусларнинг графикдан чиқиб кетмаслиги устидан қатъий назорат олиб боришмоқда.

Мақолада ремонт ишларини кечакундуз давом эттириш, бунинг учун ишни смена асосида ташкил қилиш масаласи кўтарилган. Бу ҳам мутлақо тўғри. Ҳозир ремонт ва реконструкция ишлари неча-кундуз давом эттирилмоқда. Навоий кўчасини реконструкциялаш яқин кунларда тугалланади. Бу транспорт қатновини янада тезлаштириш имкониятини беради. Эксплуатация қилинаётган вагонларнинг техник ҳолатини яхшилашга қаратилган чоралар ҳам белгиланди.

«ЧОРВАЧИЛИК МУАММОЛАРИ»

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план комиссияси раисининг ўринбосари В. Куликов редакцияга қуйидагиларни хабар қилди:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 5 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада мазкур масала тўғри кўтарилган. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фармойиши билан республика Сув хўжалик министрлиги Хоразм областининг Қизилжар ва Тахтакўпир ййловларини ўзлаштириш ва суғоришни яхшилаш ишларига 1964 йилда 72,5 минг сўм маблағ ажратиб, область суғориш системаси ихтиёрига берган эди. 1965 йилда шу мақсад учун яна 80 минг сўм пул сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Танқидий мақолада узоқ ййловларда мактаблар, маданий-маиший муассасалар қурилишига етарли эътибор берилмаётгани танқид қилинган эди. Қизилжар ва Тахтакўпир ййловларида мактаб, маданий-маиший бинолар қурилишини лойиҳалашга 12 минг сўм пул ажратилди. Шунингдек, Хоразм область ижроия комитетига касалхона биноси қурилиши лойиҳалашга 5 минг сўм маблағ сарфлашга рухсат берилди.

КУН ТАРТИБИДА — ҚЎРГАЗМАЛИ АГИТАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Кўргазмали агитация масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирган кенгаш-семинар Тошкентда ўз ишини бошлади. Унда область, шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг ходимлари, рассомлар, нашриётларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Кенгаш-семинар бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ).

ДАГОМЕЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

СССР Олий Советининг таклифига биноан расмий визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Дагомея республикаси миллат мажлисининг делегацияси 28 июнда Тошкентга келди. Делегацияга Дагомея миллат мажлисининг раиси Тайру Конгаку бошчилик қилмоқда. СССР Олий Советининг депутати Б. Рипаев меҳмонларга ҳамроҳ бўлмоқда.

Дагомея республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэродромда Африкадаги ёш мамлакат парламенти аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси О. Содиқов, Республика Олий Совети Президиумининг Секретари Р. Сахибоев, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, журналистлар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БИЛИМИНИ ЭГАЛЛАЙЛИК

ВЦСПС Президиуми СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишловчи мутахассислар тайёрлашни яхшилашни тавсия қилди.

Мажлисда айтиб ўтилганидек, сўнгги йилларда мамлакатдаги етакчи техника олий ўқув юртларида техника хавфсизлиги кафедралари ташкил этилди, аспирантлар тайёрланмоқда, дарсликлар ва қўргазмали ўқув қуроллари нашр этилди. Бироқ, ёш мутахассислар олаётган билимлар замонавий социалистик ишлаб чиқариш талабларига ҳали жавоб бераётгани йўқ.

Ана шу ва бошқа нуқсонларнинг сабаби шуки, иттифоқдош республикаларнинг олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, шунингдек олий ўқув юртларига раҳбарлик қилувчи министрликлар (идоралар) меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлашни яхшилаш учун зарур чоралар кўрмаётирлар. Бу соҳада касаба союз ташкилотлари ҳам яхши ташаббус кўрсатмаётирлар.

(ТАСС).

Қарич-қарич олтин бошоқлар саратон қуёшига юз тутиб вазмин чайқалади. Комбайнлар бамисоли денгиздай шовуллаётган буғдойзорда бир маромда сузади. Далаларнинг чеки кўринмайди. Ҳосил кутилганидан ҳам зиёда. Бу — Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли совхознинг бепоён ғаллазорлари.

Шу кеча-кундузда совхоз ғаллазорларида 90 та комбайн бетиним гуруллаб турибди. Комбайнчилар ҳосилнинг сўнгги бошоғигача нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш иштиёқи билан тўлиб тошгандирлар.

Фотомухбиримиз А. Тўраев яқинда шу совхоз далаларида бўлиб, ўрим пайтини суратга олган. Сиз чапдаги суратда моҳир комбайнчи **Л. Бобораҳматов** ва ўнгдаги суратда ғаллазорда сузаётган комбайнларни кўриб турибсиз.



НОДИР НОЗ-НЕЪМАТЛАР

Сурхон водийсининг Денов шаҳрига сафар қилгудек бўлсангиз, бу ерда жойлашган Жанубий Ўзбекистон мева-узумчилик селекцияси станциясига ҳам кириб ўтинг. Станцияда ўттиз йил давомида амалга оширилган жуда катта ўзгаришларни кўриб кўзингиз қувонади. Бундан ўттиз йил муқаддам Бутуниттифоқ илмий текшириш институтининг субтропик ўсимликлар ўстирувчи таянч пункти ташкил этилган эди. Пункт ҳозир катта илмий ва амалий ишлар олиб бораётган селекция станциясига айлантирилган.

Денов ўзининг иқлим шароити жиҳатдан субтропик ўсимликларга мос райондир. Бу ерда Хитой ҳамда Япониядан келтирилган шарқ хурмоси, Шимолий Америкадан келтирилган виргин хурмоси, Кичик Осиё, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардан келтирилган турли субтропик ўсимликлар бор.

Айниқса илгариги қамишзор ва тўқай ўрнида бутун Ўрта Осиёга машҳур бўлган дендрологик парк бунёд этилганлиги диққатга сазовордир. Бу паркда мамлакатимизнинг турли районларидан, шунингдек чет эллардан келтирилган декоратив дарахтлар ва ўсимликлар Денов иқлими шароитига мослаштирилди. Шакар қамиш, хурмо, анор, батат сингари ўсимликлар яхши ривожланиб, дуруст ҳосил берадиган бўлиб қолди.

Олимлар билан станция ходимларининг ҳамкорликда иш олиб боришлари туфайли кўпгина мева дарахтларининг ҳосилдорлиги кутилганидан ҳам зиёда бўлмоқда. Масалан, ҳар гектар ердаги бататдан 35-40 тонна ва ундан ҳам ошириб ҳосил олиняпти. Шунингдек, қрим сағиз ҳам кўп ҳосил бермоқда.

Цитрус ўсимликларини иқлимлаштириш юзасидан олиб борилган ажойиб ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Қора денгиз қирғоқларида ўстириладиган цитрус ўсимликлари бу ернинг шароитига жуда ўрганиб қолди. Ҳозир Мейер навли лимон станцияда етиштирилаётган лимонларнинг энг сараси ҳисобланади.

Бундан бир неча йил илгари мазкур станцияда 5 мингтага яқин анор кўчати бор эди. Бу кўчатлар устида анчагина илмий ва амалий ишлар олиб борилди, анорнинг совуққа бардош бериш хусусиятлари ўрганилди. Натижада 18 даражадан юқори бўлган совуққа чидай оладиган анор навларининг бир неча хили яратилди.

Селекция ишлари яхши йўлга қўйилганлиги туфайли хурмонинг яна икки янги нави — Денов шакар хурмоси ҳамда «Ўзбекистон пионери» яратилди. Бу янги навлар жуда кўп ҳосил бераётганлиги билан машҳурдир. Чунончи, Денов шакар хурмоси дарахтининг ҳар биридан 135 килограммгача ҳосил йиғиштириб олиняпти.

Денов селекция станцияси ўзининг жуда кўпгина нодир ноз-неъматлари билан донг таратмоқда. Бу ерда хурмо, лимон, шакар қамиш, кипарис ва бошқа ноз-неъматлар билан бир қаторда олма, кок, олхўри, гилос, олча, ўрик каби мевалар ҳамда узумнинг неча ўнлаб янги навлари етиштириляпти.

Станция коллективи республикамиз колхоз ва совхозларида субтропик ўсимликлар етиштиришни ривожлантириш ишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Селекциячилар колхоз ва совхозларда бўлиб, янги боғлар, мевазорлар барпо этишда кўмаклашяптилар. Кейинги беш-олти йилнинг ўзида Сурхондарё областидаги колхоз ва совхозларга 10 мингдан ортиқ хурмо ва қарийб 60 минг туп бошқа хил мевали дарахтлар кўчати ҳамда ток қаламчалари етказиб берилди.

Собиқ таянч пунктининг академик Р. Р. Шредер номли Бутуниттифоқ боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти ихтиёрига ўтказилиши нодир ноз-неъматларни мўл-кўл қилиш учун ёрқин истиқболлар очиб берди. 1959 йилдан бошлаб меваларнинг жуда кўп янги навлари пайдо бўлди ва иқлимлаштирилди. Ҳозир станцияда анорнинг 82, анжирнинг 37, хурмонинг 20, узумнинг 72, нокнинг 52, олманинг 64 нави ва бошқа мевали дарахтларнинг жуда кўп навлари бор.

Ҳозирги кунларда хурмо агротехникаси ва усули устида жуда катта миқёсда селекция ҳамда биологик тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хурмо дарахтларини суғориш, озиқлантириш юзасидан методик қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда. Станция коллективи 1964 йилдан буён Термиз районидаги Жданов номли ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида 20 гектар майдонга субтропик мевали дарахтлар экиб, илмий ва амалий иш олиб боряпти.

Селекция станцияси мамлакатимиздаги жуда кўп илмий текшириш институтлари ва тажриба станциялари билан мустаҳкам алоқа боғлаб турибди. Ҳиндистон ва Афғонистонга анор кўчатлари ва хурмо дарахтлари ниҳоллари жўнатилмоқда.

Станция 127,5 гектар майдонга эга. Бу майдонларда энг мазали, ширали ўткир мевалар ва бошқа ноз-неъматлар етиштирилиб, иттифоқимизнинг турли шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига жўнатиляпти. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошириш учун курашаётган селекциячилар нодир ноз-неъматларни янада кўпайтириш йўлида тинмай ижодий меҳнат қилмоқдалар.

А. ИСҲОҚБОЕВ.

„ТОШКЕНТ“ МЕВАЛАРИ

«Тошкент» ихтисослаштирилган сабзавотчилик совхози пойтахт аҳолисини арзон сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари ва ширин-шакар мевалар билан таъминлашда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Сабзавотчилар ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Гектаридан 10 тонна ўрнига қарийб 13 тоннадан картошка, 16 тоннадан пиёз йиғиштириб олинаётир. Давлат хўжалиги меҳнат аҳли ҳозиргача шаҳар аҳолисига 200 тоннадан зиёд карам, пиёз, помидор, бодринг етказиб берди.

Сабзавотчиларнинг ниятлари катта. Улар пойтахтимиз аҳолисига 180 тонна бодринг, 1600 тонна пиёз совға қилишмоқчи. Гектаридан 13,5-14 тоннадан қовун-тарвуз етиштириш йўлида самарали меҳнат қилинаётир. Совхозда етиштирилаётган ноз-неъматлардан бир қисми йирик саноат марказларига ҳам юборилади.

Сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун бошланган мусобақада Ғ. Алимов, Н. Содиқов, Д. Мелибеков ўртоқлар бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилаётирлар. Улар эртаги сабзавот экинларидан мўлжалдагидан анча ортиқ ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

А. РАҲИМОВ.

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Қамаши районидаги аксари хўжаликларда ғўза парвариши асоссиз равишда бўшаштириб юборилмоқда. Қатор колхозларда катта-катта майдонларни бегона ўт ўраб олган, ғўзалар ривожланишдан қолиб кетмоқда.

Ана шундай ачинарли ҳол хусусан, Рашид Норбўтаев раислик қилаётган «Коммунизм йўли» колхозида кўпроқ учрайди. Артелда 175 гектар ердаги ғўзани бегона ўт ўраб олган. 100 гектар майдондаги ғўза эса, масъулиятсизлик орқасида сувга бостириб юборилган. 600 гектар ердаги ўсимлик эса сувга ташна.

Ўтган хўжалик йилида колхозда ҳосилдорлик аввалги йиллардагига қараганда гектарига 6 центнер пасайиб кетган эди. Лекин, колхоз раҳбарлари афтидан, ҳали ҳам бу аччиқ сабоқдан хулоса чиқариб олмаганга ўхшайдилар. Ғ. Раҳматуллаев, Т. Расулов, Р. Бобоқулов, Ч. Эшмуродов, Э. Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўзалар ўт орасида кўмилиб ётибди, культивацияда бракка йўл қўйиляпти, минерал ва маҳаллий ўғитлардан ёмон фойдаланилаётир.

Ғулом Азимов бошлиқ бригадада айниқса аҳвол ачинарли. 10 гектар ердаги ғўза ҳозиргача ягана қилинмаган. 13 гектар ердаги ўсимлик эса турли хил ўтлар орасида қолиб, ривожланмаётир. 15 гектар ердаги вақтида таги юмшатилмаган ғўзалар нимжон бўлиб қолган. Ўртоқ Ғ. Раҳматуллаев бошлиқ бригадада ҳам ана шундай аянчли манзара устидан чиқасиз.

Шунга қарамай, далада иш яхши ташкил этилмаётир. Интизом бўш. Масъул участкаларда ишловчи қатор активларнинг хотинлари дала ишларига қатнашмай, уйларида ўтиришибди. Колхоз бош инженери Холиёров, тафтиш комиссияси раиси Р. Жонқобилов, бригадир Р. Бобоқулов, қишлоқ совети раиси Каримов, гараж мудири Қ. Тошдурдиев ва бошқаларнинг хотинлари ҳали дала юзини кўрганлари, бирорта меҳнат куни ишлаганлари йўқ. Далада ишлаётганлар учун шароит яратилмаганлиги, колхозчиларга 3 ойдан буён аванс берилмаётгани сингари ачинарли фактларга колхоз раиси ўртоқ Норбўтаев қачонгача лоқайд қарар экан?

«Фарғона» совхози — райондаги йирик пахтакор хўжалик. Совхоз коллективи бу йил 5.500 тонна пахта етиштиришга аҳд қилган. Хўш, амалда ана шу мажбуриятни қоплашга лойиқ иш қилинаётирми? Афсуски, йўқ. Мана, мисоллар: 1.200 гектар ердаги ғўза бегона ўт ичида сарғайганча турибди, 150 гектар майдондаги ўсимлик ҳалигача ҳатто ягана ҳам қилинмаган.

Хўжаликда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Ўртоқ У. Раҳимов бошлиқ бригадада бир қисм кишилар сабабсиз равишда дала ишларига қатнашишмайди. Оқибатда 30 гектар ердаги ғўзани бегона ўт ўраб олган. Алиев, Тошев, Раҳимов, Хўжаназаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ўт босган, ривожланишдан қолаётган ғўзалар кишини ташвишга солади. Карл Маркс номли совхозда ҳамда Ленин номли колхозда эса минерал ўғитлардан ўта ёмон фойдаланилмоқда. Ёмон сақланаётган ўғитлар сочилиб, ўз кучини йўқотмоқда, нест-нобуд бўлмоқда.

Қамаши район партия, совет ташкилотлари хўжаликларда юз бераётган ташвишли аҳволга барҳам бериш чораларини кўришлари керак.

Э. ХОЛБЎТАЕВ.

КИНО

«САЁҲАТНОМА»

Бир неча дақиқада Ўрта Осиё республикаларини айланиб, қардош халқлар ҳаётидаги улкан ўзгаришларни, ажойиб янгиликларни кўриб чиқса бўладими?

— Бўлади! — дейишади Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хроникаль-ҳужжатли фильмлар киностудиясининг ходимлари. Уларнинг ташаббусини қардош республикалар кинематографчилари маъқулладилар. Ўзбекистон ҳужжатли фильмлар студияси «Совет Ўрта Осиёси» киножурналларининг қалдирғочларини томошабинларга тақдим этди. Қардош республика кино ходимлари суратга олган, ҳар бир диёрнинг ўзига хос табиатини, маданиятини ва экономикасини, ажойиб кишиларини кўрсатувчи кинолентала бу ерда юксак дид, моҳирона техника билан бир-бирига шундай уланганки, бу талабчан томошабинларни мамнун этмоқда.

«Совет Ўрта Осиёси» киножурналининг биринчи сонини томоша қиламиз: Туркманистон бинокорлари тўқувчиларга совға этган янги тўқув цехи кўз ўнгимизда гавдаланади.

Кетма-кет экранда медицина фанлари доктори, профессор Ҳ. Ҳ. Мансуров намоён бўлади. Унинг жигар касалликларини аниқлаш ва даволаш бобида янги усул топганлигини эшитган томошабинлар хурсанд бўлдилар. Масофалар оша Бухорога келган томошабин энди Навоий комбинати ва унинг қудратини кўриб қойил қолади.

Фрунзе — Ўш йўли ҳақида хабар эшитган кишилар, навбатдаги кино лентада равон ва текис йўлнинг ўзини кўрадилар. Бу Туяошар довон йўлида қурувчилар талай қийинчиликларни енгиб, Қирғизистон шимолидан жанубига туннел очдилар.

Журналнинг кейинги сонларида ҳам қардош республикалар ҳаётига доир қизиқарли саҳифаларни кўрамиз.

«Совет Ўрта Осиёси» саёҳатнома киножурналининг чиқарилиши халқларимиз ўртасидаги алоқаларни, дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи воситадир.

Ю. ЗИЕЕВ,
Р. ОХУНЖОНОВА.

ҚАШҚАДАРЁ ЛАВҲАЛАРИ

...Назар Мелиқулов тўғрисида гап кетганда, райком секретарининг қуйидаги сўзлари беихтиёр хаёлингдан ўтади.

Бу кишининг номи ҳали республикага машҳур эмас. Лекин ажойиб ишлари, ғайрат-шижоати ҳар қандай қаҳрамон кўрсатган жасоратдан қолишмайди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор, деганларича бор.

ҚУЁШНИ ҚУТЛАБ...

Саҳар шабадасида юз ювиб оҳиста тебранаётган ям-яшил ғўзалар гўё бир кечанинг ўзида ясаниб-тусаниб қолганга ўхшайди. Табиатнинг нозик қўллари билан ҳар туп ғўза танасига тақиб қўйилган ранго-ранг гуллар туннинг нафис пардалари орасидан минг жилва қилиб кўринади. Ҳозиргина охирги бешамага сув очган Назар ака ана шу манзарага тикилганича, ниҳоллардан кўз узолмайди.

— Буни қаранг, ўтган куни айрим ғўзалардагина битта-яримта гул кўринган эди, — хаёлидан ўтказади у — «Чиллаки чиллакини кўриб, чумак уради» хилидан бўптими, дейман. Ҳаммаси бир текис гуллаб келяпти-я. Тунда суғоришнинг шарофати деб шунга айтадилар-да!

Ҳа, ғўзани тунда суғоришнинг ўзига хос фазилати бор. Қани энди, сув мўл бўлсаю, фақат тунда суғорсанг. Кечаси суғорганда, даставвал, сув буғланиб кетмайди, пушталарни қорайтирса-да, ёш ниҳолларни янчиб ташламайди. Аксинча, томир-томирига сингиб кетади, тупроққа ҳам, ғўзаларга ҳам дармон бағишлайди. Ерда нам узоқ сақланиб қолади. Кундузи, қуёш роса қиздирган кезларда ана шу нам ўсимлик илдизини баҳраманд қилиб туради, ғўза тез чанқамайди. Буни Назар ака кўп йиллик тажрибада синаб келяпти.

Шунинг учун бўлса керак, суғориш устидан бригада бошлиғи Назар ака Мелиқуловнинг ўзи контроллик қилади, эгатларга ўзи сув тарайди. Мана бу кеча ҳам эгатма-эгат юриб, ҳар туп ғўзани сувга қондиряпти, кузакдаги катта хирмон тақдирини ўйлаб, ширин уйқусини ҳам тарк этяпти.

Бригадир яна бир пас кетмонига суяниб туради-да, кутилмаганда шошилганича ғўза оралаб кетади. Пайкалнинг қанча ичкарисига кирмасин, шох ташлаб, тарвақайлаб ўсаётган бўлиқ, бўйчан ва бақувват ғўза тупларидаги оқ, қизил, пуштиранг гулларни кўриб, ич-ичидан қувонади. Ахир, ерга уруғ қадалганидан буён қилинган сермашаққат меҳнатнинг дастлабки мевалари деҳқон кутганидан ҳам анча бурун кўзга ташланиб қолганлигидан севинмай бўладими, дейсиз?!

Назар ака ҳар туп ғўзада, шона ва гулда бригада аъзоларининг пешана терини, баракали меҳнатини кўргандай бўлади. 52 гектар ерда амалга оширилган ишлар унинг кўз ўнгидан худди кино лентасидек бирма-бир ўта бошлайди.

— Ер хазина, сув гавҳар! — дея қалин лаблари шивирлайди унинг. — Бу рост гап. Агар экин майдонларини кузда сифатли ҳайдамаганимизда, ўғитга тўйдириб, яхобга қондирмаганимизда баҳорда жуда ноқулай аҳволда қолардик. Кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида амалга оширганлигимиз қўл келди. Эрта баҳорда кўрсатган ғайратимиз чакки бўлмади. Боронани вақтида ўтказдик, тупроқда етарли миқдорда нам сақлаб қолинишига эришдик. Бу ишимиз агротехника муддатларида экилган чигитнинг тез кунда қийғос униб чиқишини таъминлади.

Ўтган йили ҳам шундай бўлган эди. Бригада 52 гектар майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» топшириб, Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхозда эмас, балки, бутун Қашқадарё воҳасида донг таратди.

— Бултурги ютуқларни ижодий меҳнат билан янада мустаҳкамлаш керак! — Назар ака ҳозир ана шу ҳақда ўйлаяпти.

Бу йилги мажбурият янада юксак. Яқиндагина республикамизнинг машъал пахтакорларидан бир группаси барча қишлоқ меҳнаткашларига мурожаат қилиб, мўл ҳосил учун курашни тобора кучайтириш зарурлигини уқтиришди. Демак Назар ака Мелиқуловнинг ҳам ташвиши анча ортди. Бригада аъзолари илғор пахтакорлар мурожаатини сатрма-сатр ўқиб чиқишди. Гектаридан 52 центнердан эмас, 55 центнердан ҳосил етиштиришга сўз беришди. Бу юксак мажбуриятни бажариш учун ҳар туп ғўзани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилиш, мириқтириб суғориш ва озиқлантириш талаб этилади. Назар Мелиқулов худди шундай қиляпти.

Назар ака ғўза тупларини авайлаб ушлаб гул санайди. Ҳозирданоқ ҳар тупда уч-тўртта ва ундан ҳам кўпроқ гул борлигидан мамнун бўлади. Ғўза гул кўрсатдими, узоғи билан 60 кундан кейин пахта пишади, дейди ўзига-ўзи. Демак, бу йил йиғим-теримга бултургидан қарийб 20 кун илгари тушиш мумкин.

— Салом, бригадир ака!

Кимнингдир бу гапи Назар Мелиқуловнинг хаёлини бўлиб юборди. У ғўзалардан бир пас кўз узиб, бояги одамга қаради-ю, илиқ саломлашди:

— Жуда барвақт келибсиз-ку, Ҳасанбой!

— Тонг отиб қолди-ю, — деди сувчи Ҳасан Қайнаров. — Энди дам олинг, буёғини бизга қўйиб бераверинг.

Бригадир теварак-атрофга яна бир бор разм солди: пахтазор устида кумуш тонг жилва қилар, бамисоли баркашдай қизариб, тоғлар орасидан офтоб юз кўрсатаётган эди. Ғўза ишқида ёнган Назар ака чунонам ишга шўнғиб кетибди-ки, ҳатто буларнинг ҳаммасини сезишга улгурмабди. Ҳа, у қуёшни пахтазорда қутлабди, қарши олибди.

ДАШТ ГАШТИ

Бепоён яйлов сокин сув сатҳини эслатади. Яқиндагина пати қизил гиламдай тўшалиб ётган ўт-ўланлар, лолақизғалдоқлар саратон қуёшининг олов тафтига бардош беролмай, жизғинаги чиқиб қовжираб кетган. Фақат шувоғ-у, карраклар жон сақлаб қолган, янтоқлар бамисоли қирмиздай қизариб ётибди. Аҳён-аҳёнда газчиларнинг дароз вишкалари-ю, пастқамгина сардобалар кўзга илашади. Яна қип-қизил чўл...

Кутилмаганда бир сурув қўй кўринди. Ирғай таёғини кифтига ташлаб олган чўпон совлиқлар кетидан гўё санаб қадам ташлаб борарди. У сурувни нуқул сардоба томонга қичайди. Қўйлар ортидан нафисгина чанг кўтарилиб, ҳозиргина ела бошлаган гармсел шамоли билан басма-басига гирдоб солади. Чўпон ундан баттар шошилади. Шундай жазирамада терлаб-пишиб, яйлов кезиб юрган бу одам ким бўлса?

— Ким бўларди, «Муборак» давлат наслчилик заводининг машҳур чўпони Дилмурод Отамуродов-да!

Сурув бу ерларни тўлдириб тўлқинланиб борарди. Қўйларга тикилиб қоламиз: ҳар бири семизлигидан лорсиллайди, ёқимтой маърашиб, шувоқларнинг уч-учини юлиб-юлқиб кетишади.

— Ҳорманг, йўл бўлсин!

— Сардоба соясига, — дейди чўпон қадамини жадаллаштириб.

Чўпонга ҳамроҳ бўламиз. Қўйларни салқинлатиб, дам олдиргани кетаётганлигини, қуёшнинг ҳоври босилгач, Ўртачўлга ҳайдаш лозимлигини айтади.

— Қўй офтобдан қўрқадими?

— Офтобсиз яшаб бўладими, — дейди у мийиғида кулиб. — Бироқ қуёш тандирдек қиздирганида қўйларга анча зарар етказиши мумкин. Биринчидан, қўйларнинг баданидаги жуни куяди, иккинчидан, улар тез чанқаб, кам ўт ейди. Шунга кўра, ҳарорат жуда кўтарилганида салқинлатамиз.

— Чўпонликдай нозик, серташвиш иш бўлмаса керак-а?

— Нима десам бўлади, — гапида давом этди у. — Ҳар ким дидига ёққан касбни танлайди. Биров чигит экиб, пахта етиштиришни яхши кўрса, бошқа биров сабзавотга ўч бўлади, яна биров интеллигентликни ёқтирса, бошқаларнинг чўлдан кетгуси келмайди, чорвачиликка ихлос қўяди. Мен ҳам ёшлигимдан қўй боқаман. Шу дашт билан қадрдон бўлиб қолганман, ҳамиша даштга талпинаман. Дашт гаштини сургим келади.

Сардобага етиб келдик. Унинг бир томонида пичан ғарамлари кўкка бўй чўзиб турибди. Бу ўтган йили тайёрланган пичан. Қўйлар сардоба ва пичан ғарамлари соясида салқинлатилди.

Бир вақтлар бу даштдан карвонлар ўтиб, ана шу сардобалар ёнида тўхтаб қолишар экан. Шу сардобалардан сув ичишаркан. Энди бу сардобалар чорвадорларга хизмат кўрсатишяпти. Дилмурод ака шулар ҳақида эслади-да, бу йилги ишлари тўғрисида қисқагина сўзлаб берди.

Совхоз дирекцияси менга 1366 бош қўйни биркитиб қўйибди. Бу йил баҳорда ҳар юз совлиқ ҳисобига 149 тадан қўзи топширдим. Бу — аввалги йилдагига нисбатан ҳар 100 қўйга ҳисоблаганда 45 тадан кўп. Қоракўл териларнинг ҳар бир донасини пландаги 13 ўрнига 10 сўмга туширдим.

Дилмурод Отамуродов бу йилги режалари тўғрисида ҳам гапирди. У ҳар 100 совлиқдан 160 тадан қўзи олишни мўлжаллаётган экан. Бунинг учун қўйларни кечаю-кундуз ҳайдаб парвариш қиляпти, ўт-ўланлар жуда кам бўлган бу йилги шароитда яхши яйловларни танлаб боқяпти.

Дилмурод ака ўз ишларидан кўра, бошқа чўпонлар ҳақида кўпроқ гапирарди. У Шерна Жумаев, Саъдин Раҳмонов каби мусобақадошларининг ҳам номини тилга олди. Бу иккала чўпон етти йилликнинг сўнгги босқичида ҳар юз бош совлиқдан 140 тадан қўзи топширибди. Умуман ферма пландан ташқари 2495 та қўзи олибди. Фақат қоракўл тери ҳисобига 37 минг сўм соф фойда кўрибди.

— Бизда бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун қайғуради, — дейди Дилмурод Отамуродов. — Шунга кўра, умумий юксалишга эришиш — ҳаммамизнинг вазифамиз, деб ҳис қиламиз. Бу яхши самаралар бермоқда.

Биз машҳур қўйчивон Дилмурод Отамуродов ҳузуридан қайтаётганимизда қуёш анча узоқлашган, унинг ҳоври пасайиб, енгил шабада эса бошлаган, сурув эса дашт бағрига шўнғиб кетган эди. Чўпон қўйлар кетидан завқланиб борарди. У дашт гаштини сурарди.

Самад ҚОДИРОВ.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

Хатлардан сатрлар

НАВОИЙ шаҳрида қад кўтарган икки қаватли кўркам бинога болалар яслиси кўчиб кирди. Бундан ота-оналар ниҳоятда мамнун бўлишди. Шунингдек, Амударё районидаги Крупская номли колхозда ҳам 15 хонали ясли биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

М. Рўзимов,
О. Ражимов.

●

ГУРЛАН районидаги «Маданият» колхозида янги туғруқхона ишга туширилди.

К. Иброҳимов.

●

АНДИЖОН. «Мингбулоқ» совхозида ишга туширилган 10 та янги дала шийпонида совхоз ишчилари мириқиб дам олаётирлар.

У. Раҳматуллаев.

ЛЕНИН ШАХМАТНИ СЕВАРДИ

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти Ленин ҳақидаги эсдаликларни нашр этди. Кекса коммунист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Н. Петров хотираларида бундай дейилади: «1900 йилнинг бошида мен яширин ишлар бўйича ва партия информацияларини олиш учун Москвага келдим... Владимир Ильичнинг укаси Димитрий Ильич Ульяновни учратдим. У Владимир Ильичнинг Сибирь сургунидан қайтиб келганлигини айтиб, мени уйига таклиф этди.

Бир оз вақт ўтгач, бир боғлам китоб кўтарган ҳолда Владимир Ильич кириб келди... Владимир Ильич ўзига хос чаққонлик билан менга қатор саволлар бера бошлади:

— Киевдаги ишларингиз қалай? Нималар қиляпсиз? Ишчилар революцион онгининг ўсиши қай тарзда?...

Бир эпизодни ҳикоя қилмасам бўлмайди. Димитрий Ильич аҳтиросли шахматчи бўлгани учун (у тузган масалалар ҳатто матбуотда ҳам эълон қилинган — М. М.) Владимир Ильичга доимо:

— Володя, кел бир партия ўйнайлик! — дерди. Владимир Ильич шахмат ўйнашни севарди, у рози бўлди... Улар ўйинга киришишди. Бир неча юришдаёқ, Владимир Ильич мот қилди. Дмитрий Ильич саросимада қолганда, Владимир Ильич бармоғини кўтариб:

— Ҳужумкорлик тактикасининг натижаси шу бўлади! — деди.

1905 йилдан бери КПСС аъзоси А. С. Гречневнинг хотираларида унинг 1909 йилда Парижга — рус эмигрантларининг марказига келганлиги ҳикоя қилинади: «...Владимир Ильич қатнашмаган бирор мажлис эсимда йўқ. У биринчилар қатори келар ва бурчакдаги стол ёнига ўтирарди. Йиғилиш олдидан деярли ҳамма вақт шахмат ўйнашарди...»

Ульяновлар оиласининг барча аъзолари шахмат ўйнашни билишарди.

М. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси.

КУРОРТБОП ЖОЙ

Тяньшань қўйнида жойлашган, чор тарафини қорли тоғлар қуршаб олган, доим кўм-кўк арчалар ва бахмал майсалар билан бурканиб турувчи бу баҳаво ва сўлим соҳил Кугарт деб аталади. Кугарт ёз ойларида айниқса ажойиб манзара кашф этади. Чамандек очилиб турувчи турли хил тоғ гуллари, сайроқи қушларнинг ёқимли наволари дилингизни қитиқлаб, баҳрингизни очиб юборади.

Афсоналардаги жаннатни эслатувчи бу шифобахш соҳилга ҳар йили Андижон, Фарғона, Наманган ва қардош Қирғизистон ССРнинг Ўш, Жалолобод, Ўзган шаҳарларидан юзлаб кишилар келиб сайр қилиб кетадилар.

М. ТЎЙЧИЕВ.

ЖАСОРАТ

ҲОДИСА

«Октябрь» колхозининг чўпони Жаббор Ғаффоров тоғ бағрида қўй-қўзиларни боқиб юрарди. Бир маҳал ўт-ўланлар орасидан ўрмалашиб келаётган икки бўри боласини кўриб қолди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳозир бу иккала ўлжани ҳам ушлайман, — деди Жаббор ака милтиқни ўқлаб бўри болалари томон йўл олар экан.

Аммо, бўри болалари, катта бўрилар ҳам сурув томон ҳужумга келаётган эди.

Нима қилиш керак, милтиқда фақат икки дона ўқ бор, холос. Ж. Ғаффоров эсанкираб қолмади, ўзини дадил тутиб яқинлашиб келаётган она бўрини нишонга олди. Она бўри оёғидан ярадор бўлиб қочди. У яна битта ўқ отди. Афсуски, буниси бекорга кетди. Тажрибали чўпон ҳеч бир ўйланмасдан бошқача иш тутди. У милтиқнинг қўндоғи билан бўриларга «ҳужум» бошлади.

Бўри боласидан биттасининг оёғига уриб йиқитди. Бўрилар қоча бошлади. Ж. Ғаффоров яна битта бўри боласини тирик ушлаб, белбоғи билан тўрт оёғини маҳкам боғлаб, кўтариб олди. Қолган бўрилар эса жон-жаҳди билан тоққа қараб қоча бошладилар.

Бўри болаларидан иккитаси тери пунктига топширилди. Ургут районидаги «Октябрь» колхозининг чўпони Ж. Ғаффоров бу жасорати учун 50 сўм пул ва қўй билан мукофотланди.

Н. ИБРОҲИМОВ.

БЕМАҲАЛ ҚИЧҚИРГАН ХЎРОЗ...

Собир Ёқубов лазиз таомнинг қадр-қимматига етмайди, деб ўйламанг. Хусусан товуқ гўштини ва тухумни зўр иштаҳа билан тановул қилади бу одам. Лекин товуқни тирик ҳолида учратиб қолса борми, «кўзим чиқсин сени кўргунча бундоқ» дегандек, бирдан ғазаби қайнаб кетади.

Ниҳоят, Ёқубов товуқнинг уруғини қуритишга қарор қилди. Раислик мансабидан фойдаланиб, колхознинг товуқчилик фермасини тугатди. Хўш, бунинг оқибати нима бўлди? Планга мувофиқ колхоз фермасида 450 товуқ асралиши керак эди, битта ҳам товуқ қолмади. Хўжалик давлатга бу йил 18.700 дона тухум сотиши лозим бўлгани ҳолда, шу вақтгача бир дона ҳам тухум сотилмади.

Шундай қилиб, Гурлан районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси Собир Ёқубов чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бирини ўзбошимчалик билан йўқ қилди. Хоразмда Ёқубов каби паррандабезорлар яна топилиб қолди. Ҳазорасп районидаги «Октябрь» (раиси Ражаб Жуманиёзов), Янгиариқ районидаги «Коммунизм» (раиси Салима Бобожонова) колхозларида ҳам паррандачилик фермалари тугатилди. Нега?

Бу саволга юқоридаги колхозларнинг раҳбарлари қуйидагича жавоб беришади: биринчидан, паррандачилик рентабелли тармоқ эмас. Қолаверса, унинг истиқболи йўқ, чунки индустриал асосда паррандачилик фабрикаси қуриляпти...

Икки баҳона ҳам ўринли эмас. Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози паррандачилари 10 минг товуқ боқиб, кўп миқдорда гўшт ва тухум етиштиряптилар. Бундан каттагина даромад олинаётир. Ҳазорасп районидаги «Коммуна», Янгиариқ районидаги Чапаев номли колхозларда ҳам паррандачиликдан фойда кўриляпти. Демак, бу тармоқни рентабелли қилиш мумкин экан.

Паррандачилик фабрикаси қурилаётгани рост. Аммо у бир неча йилдан кейингина тўла қувват билан ишлай бошлайди. Шу эътиборга олиниб, беш йиллик планда колхозларда паррандачиликни ривожлантириш кўзда тутилади.

Товуқ фермаларини ҳовлиқиб тугатган колхоз раҳбарларининг иши хўрознинг бемаҳал қичқирганига ўхшаб кетмадимикан?

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Узгоспроект» коллективи янгидан-янги турар-жой бинолари, маданий-маиший корхоналарнинг лойиҳаларини ишлаб бермоқда. Суратда: архитекторлардан Ю. Зокирова ва В. Штернишс. Улар Нукус шаҳрида қуриладиган 800 ўринли музикали-драма театри биноси учун лойиҳа чизмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Футбол

«ПАХТАКОР» ЁМОН ЎЙНАДИ

ДОНЕЦК. Бу ерда мамлакат биринчилиги учун маҳаллий «Шахтёр» командаси Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари билан мусобақалашди. Очиғини айтиш керак, тошкентлик спортчилар навбатдаги учрашувни жуда ёмон ўтказдилар. «Шахтёр»нинг қанотдаги ҳужумчиси Пилипчук 23-минутда узоқ масофадан тўпни зарб билан дарвоза томон йўналтирди. Бу тўпни Гарканов ушлаб қолишга ожизлик қилди. Орадан 5 минут ўтгач Мизерний ҳисобни 2:0 га етказди. Пахтакорчилар ўзларини ўнглаб олишга улгурмаган ҳам эдиларки, Левченко оширган тўпни Родин дарвозани ишғол қилиш билан якунлади.

Ўйиннинг иккинчи ярмида «Пахтакор» сал жонлангандек бўлди. 60-минутда Абдураимов. Мелкумов-Красницкий комбинациясини марказий ҳужумчи якунлаб, ҳисобни 1:3 қилди.

Шундан кейин ташаббус яна «Шахтёр»га ўтди. Ўйин тамом бўлишига 6 минут қолганда Андриенко ҳисобни 4:1 қилди. Шундай қилиб, «Пахтакор» футболчилари Донецк шаҳрида йирик мағлубиятга учрадилар.

* * *

Қолган ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: ЦСКА — «Нефтяник» — 3:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Крылья Советов» — 2:0, СКА (Ростов) — СКА (Одесса) — 2:1, «Динамо» (Минск) — «Спартак» (Москва) — 0:0, «Динамо» (Москва) — «Локомотив» (Москва) — 5:1, «Зенит» — «Торпедо» (Кутаиси) — 2:0, «Черноморец» — «Динамо» (Киев) 2:2.

КОМАНДАЛАРНИНГ ТУРНИР ЖАДВАЛИДАГИ АҲВОЛИ ҚУЙИДАГИЧА:

Командалар	У.	Т.	О.
«Торпедо» М	9	15—3	14
ЦСКА	10	13—4	14
«Шахтёр» Д	10	16—11	13
«Спартак» М	10	12—7	12
«Динамо» Мн.	9	9—4	11
«Динамо» К	9	11—7	11
«Динамо» Тб.	9	13—9	11
«Динамо» М	10	11—8	10
СКА Р.	9	10—9	10
«Зенит»	10	11—10	9
«Крылья Советов»	9	10—11	9
«Нефтяник»	10	9—12	9
«Локомотив» М	9	9—12	8
«Черноморец»	10	12—15	8
«Пахтакор»	9	8—14	7
СКА Од.	9	2—17	2
«Торпедо» Кт.	9	2—20	2

* * *

СССР терма командаси навбатдаги саралаш мусобақасини Дания терма командаси билан ўтказди. Совет футболчилари бу учрашувда катта муваффақият қозондилар: Дания терма командаси дарвозасига 6 та тўп киритилди.

СССР терма командаси уч учрашувдан 6 очко тўплаб, ўз группасида пешқадамлик қилмоқда.

* * *

Тошкент областининг «Политотдел» футболчилари Львов шаҳрида «Карпати» футболчилари билан учрашдилар. Учрашув дуранг (1:1) бўлиб тугади.

СПАРТАКИАДА БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон касаба союз спортчиларининг 5-спартакиадаси байроғи туширилди. Энг кучлилар ҳақида гап кетганда оғир атлетикачилар ва боксчиларни номини тилга оласиз. Спорт «маликаси» эса бу турлардан кейинда қолди. Чиндан ҳам оғир атлетикачиларнинг мусобақалари жуда кескин ва қизиқарли ўтди. Тошкентлик В. Аванесов ва фарғоналик Манушчевлар республика рекордлар жадвалига бешта ўзгартиш киритишди. Биринчи оғир вазнда мусобақалашаётган В. Аванесов жимда 147,5 килограмм натижа кўрсатди. Иккинчи оғир вазнда мусобақалашган Манушчев ҳам ана шундай оғирликдаги штангани жим қилди. В. Аванесовнинг толчокдаги 176 килограммлик рекорди бир неча соат умр кўрди, холос. Манушчев бу рекордни бир килограммга яхшилади. Иккинчи оғир вазнда қатнашган Манушчевнинг бу рекордга қандай алоқаси бор деб сўрашингиз мумкин. Ҳа, бу икки спортчи бошқа-бошқа вазнларда беллашдилар. Бироқ мусобақадан кейин спортчилар тортиб кўрилганда Манушчевнинг оғирлиги Аванесов оғирлигига монанд келиб қолди. Республика рекорди (толчокда) бундан буён 176 килограмм бўлиб қолди. Уч курашда 452,5 килограмм натижага эришган В. Аванесов спартакиада чемпиони бўлди ва Москвага касаба союз спортчилари спартакиадаси финалига йўлланма олди.

Боксчилар Содиқов, Каунидi, Ханаков, гимнастикачилар Василев ва Аколянлар спорт мастери нормативини бажардилар. Республикамиз спорт мастерлари сафи яна беш кишига ортди.

Оммавийлик шиори остида ўтган республика касаба союз спортчиларининг 5-спартакиадаси тўрт этапида жами бўлиб 28 та спорт мастери тайёрланди, республиканинг 37 та, областларнинг 293 та рекорди янгиланди.

Кескин спорт курашларидан кейин Тошкент — 1 командаси биринчи ўринни эгаллади.

Кўнгилли спорт жамиятлари командалари ўртасидаги ўринлар эса қуйидагича: «Спартак», «Меҳнат», «Буревестник», «Локомотив», «Меҳнат резервлари».

Спартакиада ғолиблари ва чемпионлар шу йил 1—14 августда Москвада ўтказиладиган касаба союз спортчиларининг VIII спартакиадасида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

Халқаро ОБЗОР

ЛОНДОН: Зиддиятлар кучаймоқда, найранглар чигаллашмоқда

Миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бош министрларининг 17 июндан 25 июнгача Лондонда ўтказилган навбатдаги конференциясида зиддиятлар ва келишмовчиликлар вазияти ҳукмронлик қилди. Конференцияда ер юзи сатҳининг чорак қисмини ишғол қилувчи ва жаҳон аҳолисининг қарийб чорак қисми яшаб турган 21 мамлакатнинг вакиллари қатнашди. Бу территория билан аҳоли сони собиқ Британия империясининг миқёсларига тахминан тўғри келади. Худди ана шу империя вайроналарида Миллатлар ҳамдўстлиги деб аталувчи бир уюшма вужудга келган. Бу уюшма турли-туман давлатларнинг ғалати аралашмасидан иборат бўлиб, у империалистик давлатларни ҳам, империализмга қарши кўп йиллик ва шиддатли кураш натижасида нисбатан яқинда вужудга келган давлатларни ҳам бирлаштиради.

Инглиз молия капиталининг беҳисоб тўрлари бу уюшмани боғлаб турган асосий занжир бўлиб хизмат қилмоқда. Катта ҳажмда капитал солиш инглиз империализмининг шу мамлакатлардаги асосий қуроли бўлиб қолди. Фикримизнинг исботи учун бир мамлакатдан олинган мисолни айтиб ўтамиз. Ҳиндистондаги чет эл капитал маблағларида инглиз монополияларининг улуши 1961 йилда 78 процентдан ортиқроқ эди. Инглизлар экономиканинг традицион аграр-хом ашё тармоқларидаги ўз нуфузларини сақлаб қолган ҳолда янги тармоқларга — нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, химия ишлаб чиқариши ва бошқа тармоқларга ҳам суқилиб кирмоқдалар. Бундай операциялар уларга манфаат келтираётганлигини қуйидаги факт кўрсатиб турибди: миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида инглиз монополистлари солинган капитал маблағ эвазига Европа мамлакатлари ёки АҚШдагига қараганда 2-3 баравар ортиқ фойда олмоқдалар.

Ана шу ғайри табиий иттифоқдаги зиддиятлар йил сайин тобора равшанроқ аён бўлиб қолмоқда. Сўнгги конференция ҳам шу фикрни тасдиқлади. Ҳамдўстликнинг кўпгина аъзоларини ташвишга солаётган иқтисодий проблемалар (Англия импорт пошлинасини оширганлиги, Англиядан олинган қарз учун тўланадиган процентнинг кўплиги, инглизлар сотиб олиб келаётган хом ашё нархларининг пастлиги) билан бирга конференцияда Вьетнамдаги воқеалар, Жанубий Родезиядаги, Ғарби-Жанубий Африкадаги, Португалия мустамлакаларидаги вазият сингари энг зарур сиёсий масалалар ҳам муқаррар равишда қалқиб чиқди. Англия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар ирқчилик ҳукм сураётган Жанубий Африка Республикасига қарши чоралар кўриш тўғрисидаги БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарорини бажарсинлар деган талаблар эшитилди. «Жанубий Африка проблемаси, — деди Сьерра-Леоне бош министри Марган, — бутун дунёдаги тинчликка солинаётган реал хавфдир». У, Португалияга қарши иқтисодий чоралар кўриш ва унга НАТО орқали қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатишни ҳам қаттиқ талаб қилди.

Англия мустамлакаси — Жанубий Родезия проблемасига конференция ишида катта ўрин берилди. Бу ердаги озчилик оқларнинг ҳукумати ирқчилик тартибларини ўрнатиб, тўрт миллионга яқин африкалик аҳолини эзмоқда. Африкадаги кўпгина мамлакатларнинг вакиллари Жанубий Родезиядаги ҳокимиятни аҳолининг кўпчилиги вакилларига топшириш учун конституцион конференцияни дарҳол чақиришни талаб қилдилар.

Консерваторларнинг мустамлакачилик, империалистик сиёсатини мерос қилиб олиб, шу сиёсатни давом эттираётган Вильсоннинг лейбористлар ҳукумати кўп масалаларда найранг ишлатишга мажбур бўлди.

Вильсон Американинг Ҳинди-Хитойдаги босқинчилигини Лондон қўллаб-қувватлаётганлиги хусусида кескин таъналар эшитишга тўғри келишини аввал бошданоқ пайқаб, миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари номидан «тинчлик миссияси» юбориш тўғрисида шошилинч таклиф киритди. Бу миссияга унинг ўзи бошчилик қилмоқчи эди. Бундан кузатилган мақсад равшан: Англия Американинг агрессиясига ҳомийлик қилаётганлигини танқид қилдирмаслик, шу билан бирга лейбористлар партиясининг сўл қанотини тинчлантириб қўйишга уриниш, Англия жамоатчилиги кенг доираларининг ғазабини сусайтириш эди. Бундан ташқари, Вашингтон ҳам бундай найрангга эътироз билдирмаслиги эҳтимол Вильсонга олдиндан маълум бўлган бўлса керак.

Конференциянинг ўзида Вильсон муайян қийинчиликларга дуч келди. Вьетнамда тинчлик ўрнатишга олиб келиши мумкин бўлган конференцияни чақириш учун умумий асосга эришиш имкониятини аниқлаш мақсадида «Вьетнам проблемасига алоқадор бўлган асосий мамлакатларга» беш ҳукумат (Англия, Гана, Нигерия, Тринидад-Тобого ва Цейлон) бошлиқлари составида миссия юборишга қарор қилинди. Лекин Цейлон вакили миссия составига киришдан бош тортди. Танзания президенти Ньерере бу машмашага қарши чиқди. Кения вакили эса Англиянинг ёки Вьетнам масаласида ўз зиммасига мажбурият олган бошқа ҳар қандай мамлакатнинг миссияда қатнашувига қарши эътироз билдирди. Гана президенти Нкрума, Австралия Жанубий Вьетнамдан ўз қўшинларини чақириб олсин, Янги Зеландия эса у ерга ўз қўшинларини юборишни бас қилиши лозим, деб айтди. У, яна Миллатлар ҳамдўстлиги конференцияси АҚШдан Вьетнам Демократик Республикаси территориясига осмондан қилинаётган ҳужумларни тўхтатишни талаб қилсин, деб ҳам таклиф қилди.

Совет Иттифоқига ана шундай миссияни қабул этишни сўраб мурожаат қилинганида, ғоят асосли қилиб қуйидаги жавобни берди: Биринчидан, агрессиянинг асосий қурбони бўлган мамлакат ҳукуматига — Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматига, шунингдек Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронтига мурожаат қилинсин, иккинчидан, миссия ўз нуфузидан фойдаланиб, АҚШ ҳукуматидан қуролли интервенцияни дарҳол тўхтатишни ва Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишни, Вьетнам Демократик Республикасига қарши қилинаётган агрессив ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилинса, мантиқий иш бўлур эди. Ана шу агрессия учун жавобгарлик айни АҚШ зиммасига тушади-ку, ахир. «Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, — дейилади совет жавобида, — Вьетнам масаласини бартараф қилиш хусусида музокаралар олиб бориш учун унга ҳеч ким ваколат бермаган ва шу сабабли Совет ҳукумати бундай музокараларни олиб бормоқчи эмас».

Англияда чиқадиган консерваторларнинг «Скотсмен» газетаси ўринли тарзда «Англия бош министрининг тинчлик ҳужуми... пухта ўйланмаган авантюра бўлиб кўринмоқда», — деб ёзди.

ВАШИНГТОН: Сиёсатнинг астари

Вашингтоннинг юқори мансабдаги расмий арбоблари ҳар куни ваъз айтиб, Америка экономикасининг аҳволи чаққи эмас ва яқин келгусидаги истиқболидан ҳавотирланманглар, деган юпатувчи гапларни гапирмоқдалар. «Қўшма Штатларнинг иқтисодий машинаси қизиб, суви қайнаб кетади ёки бензини тугаб қолади, деган гаплар эҳтимолдан узоқда», дейди президентнинг бош иқтисодий маслаҳатчиси Гарднер Экли. Бироқ, АҚШнинг ўзида, шу жумладан расмий доираларда ҳам бу хусусда турли фикрлар мавжуд. Башарти шундай бўлмаганида, президент ва унинг энг яқин маслаҳатчилари экономиканинг аҳволи ва молиявий проблемаларни муҳокама қилиш учун шу қадар тез-тез кенгашлар ва мажлислар ўтказиб юришармиди. Май ва июнь ойларида Нью-Йорк биржасини бир неча марта ларзага келтирган талваса савдо-саноат доиралари ташвишининг сиртқи нишонасидир. Сўнгги ойларда Америка экономикаси турғунликка тушиб қолганлиги ва шу муносабат билан мамлакатда нисбатан узоқ вақт давом этган юксалиш поёнига етиб қолди, деган хавфсираш кенг тарқалганлиги ана шундай талвасага тушишнинг асосий сабаби бўлди, деб кўрсатмоқдалар. Пулнинг қадрсизланиш белгилари — нархларнинг ўсиши, тиқинчилик қимматининг ошиши кўринаётганлигини ҳам айтмоқдалар. Истеъмол қарзининг жуда ўсиб кетганлиги, бир қанча товарларни, шу жумладан автомашиналарни сотиш қисқариб кетганлиги, уй-жой қурилиши суръатлари сусайганлиги ва бошқа бир қанча факторлар шуни кўрсатади, деб айтмоқдалар. Эклининг даъволарига қарамай, бу факторларни иқтисодий машинанинг ортиқча «қизиб кетганлиги» белгилари пайдо бўлди, деб талқин қилиш мумкин.

Федерал резерв системасининг раиси У. Мартиндек бу масалаларда эътиборли бўлган киши ҳозирги аҳвол 30-йиллар бошидаги энг кучли иқтисодий кризис арафасидаги аҳволга «ўхшашлиги даҳшат солмоқда» деб айтди. Бу гаплар табиий суратда ўтга ёғ қуйгандай бўлди ва биржада чинакам саросималик туғдирди. Кетма-кет юпатувчи нутқлар сўзлаш ҳамда Оқ уй ва турли идоралар вакилларининг ваъз айтиши ёрдамида бу ўтни ўчиришга тўғри келди.

Бундан биринчи навбатда манфаатдор бўлган ҳарбий саноат монополияларининг вакиллари: чекинликни кучайтиришга қаратилган авантюристик йўл, Вьетнамдаги урушнинг кенгайтирилиши ҳарбий харажатларни янада оширади, демак, экономикани сунъий равишда рағбатлантирадиган янги омил бўлишидан дарак беради, деб ошкора таъкидламоқдалар.

Қуруқликдаги кучлар ишлари билан шуғулланувчи собиқ министр Ф. Пэйс бундан бир неча йил муқаддам Америка банкирлари уюшмаси съездида гапириб, катта-катта ҳарбий харажатлар фойда олишга самарали таъсир қилади, деган эди. Бундай харажатларни, деб ишонтирмоқчи бўлган эди у, «иқтисодий характердаги сабаблар бўлганлиги учунгина, моддаларни миллий айирбошлашиш учун стимул сифатида» табриклашмоқ керак. АҚШнинг Сайгондаги ҳозирги элчиси генерал Тэйлор ҳам яқинда Нью-Йоркда банкирлар ҳузурида шунга ўхшаш нутқ сўзлади. Вьетнамдаги агрессияни кенгайтиришга қўшимча равишда 700 миллион доллар ажратилганлиги — АҚШ ҳарбий бюджети кўпайтирилишининг бошланғичидир, холос, деган маънода гапирди. Тэйлор ҳарбий харажатларни кенгайтира бериш тажриба кўрсатишича, бошқа проблемаларни туғдираётганлигини: давлат бюджетининг дефицити кўпайиб, инфляция ўсаётганлигини гапирмади. Лекин банкирлар бу фактларни Тэйлордан кўра яхшироқ биладилар.

Прогрессив Америка публицисти Жорж Моррис огоҳлантириб, қуйидагиларни ёзади: «Башарти Шарқи-Жанубий Осиёда вужудга келтирилган кескин вазият натижасида АҚШ яна катта уруш ёқасига бориб қолгудек бўлса, конгресснинг уруш мақсадларига янги-янги миллиардларни ажратиб бериши ва ички эҳтиёжларга сарфланадиган маблағларни томчилаб ҳисоблайдиган бўлиб қолиши учун конгрессга айтарли ҳеч қандай тазйиқ ўтказишнинг ҳожати қолмайди». Вашингтон ўтказаётган агрессив ташқи сиёсий йўлнинг астари ана шундай.

И. ЛАПИЦКИЙ,
(ТАСС).

МАДРИД. Бу кампир Испания пойтахти кўчаларини хорғинлик билан кезиб юради. У сигарета, чайнама резинка ва арзон ширинлик сотиб кун кечиради.

А. Бочкарев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

АФРИКА — ОСИЁ КОНФЕРЕНЦИЯСИ КЕЧИКТИРИЛДИ

ЖАЗОИР, 27 июнь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясига тайёргарлик кўрувчи доимий комитетнинг кеча уч соатдан ортиқ давом этган фавқулодда мажлисида иккинчи конференцияни 1965 йил бешинчи ноябргача кечиктиришга қарор қилинди. Эфиопия делегацияси тақдим этган ва Покистон делегацияси қўллаб-қувватлаган резолюция лойиҳасида конференцияни Жазоирда ўтказиш таклиф этилади. Комитет бу резолюция лойиҳасини маъқуллади.

Конференцияда қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар министрлигининг конференция олдидан кенгаши ўтказилиши керак эди. Бу кенгашни 1965 йил 28 октябргача кечиктиришга қарор қилинди.

IX ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ IX ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРУВЧИ ХАЛҚАРО КОМИТЕТ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

РИМ, 27 июнь. (ТАСС). «Унита» газетаси ёшлар ва студентларнинг IX жаҳон фестивалига тайёргарлик кўрувчи халқаро комитет доимий комиссиясининг резолюциясини бугунги сонида босиб чиқарди.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг Жазоирдан жўнаб кетган президенти Родольфо Мекини бу ҳужжатни «Унита» газетасининг Жазоирдаги мухбири Мария Маччоккига топширди. Комиссия, дейилади резолюцияда, «Жазоир давлатининг ички ишларига аралашиш ниятида эмас. Лекин шунга қарамай, IX фестиваль ўтказилиши лозим бўлган Жазоирдаги воқеаларга бепарво қарай олмайди. Ҳужжатда яна бундай дейилади: «Доимий комиссиянинг аъзолари 19 июндан буён Жазоирнинг ўзида яккаланиб қолдилар. Улар ўз мамлакатлари билан алоқа боғлаш имкониятига эга эмаслар».

«Бундай шароитда, — дейилади яна резолюцияда, — комиссия IX фестивалга тайёргарлик ишларини нормал ва осойишта давом эттира олмайди. IX фестиваль ёшлар ва студентларнинг бирдамлик, тинчлик ва дўстликка бағишланган жуда катта халқаро намойиши бўлади. Шу сабабли фестивалнинг ғоят муваффақиятли ўтишини таъминлай оладиган ҳар қандай чораларни кўриш зарур. Доимий комиссия ана шу мақсадни кўзда тутиб ва бу мақсадга эришиш учун нормал иш олиб бориш имконияти йўқлигини қайд қилиб, халқаро тайёргарлик комитетининг ялпи мажлисини 1965 йил июль ойининг дастлабки кунларида ўтказишга қарор қилди».

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 27 июнь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси ҳукумати кеча эълон қилган баёнотида Жанубий Корея ва Япония ҳукмрон доираларининг ана шу мамлакатлар ўртасидаги «муносабатларни нормаллаштириш» тўғрисида тузган битимини кескин қоралади. Синьхуа агентлиги хабар беради: "баёнотда айтилишича, Америка империализми Кореяни доим икки қисмга бўлинган ҳолда сақлаш ва мамлакатнинг жанубий қисмини оккупация қилиш, Японияни ва Пак Чжон Хи тўдасини ўзининг агрессия ва уруш сиёсатига хизмат қилдириш учун ана шундай чорани кўрди.

Япония—Жанубий Корея битимларининг имзоланиши корейс ва япон халқларига қарши жиддий иғвогарлик бўлибгина қолмай, балки Хитой халқи ва Осиёдаги бошқа мамлакатлар халқларига ҳам қарши жиддий иғвогарликдан бошқа бир нарса эмас. Хитой ҳукумати, деб таъкидланади баёнотда, Япония ҳукумати билан Пак Чжон Хи тўдаси ўртасида тузилган «шартнома»ни сира ҳам танимайди.

● ● ● ●

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

29 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — «Ялла» концерти. 8.25 — Эстрада концерти. 9.30 — Кичик концерт. 9.45 — Илғорлар (тож.). 10.30 — Камер асарлар. 11.10 — Халқ контроли амалда (рус.). 11.25 — Симфоник рақслар. 12.15 — Спорт эшиттиришн. 12.30 — Концерт. 13.40 — Оммабоп куйлар. 16.15 — Дирижёр Ф. Шамсиддинов. 18.10 — Кинофильм қўшиқлари (рус.). 18.30 — Қўшиқлар. 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (рус.). 20.45 — Атеистик темада. 22.10 — Топишмоқли концерт. 22.40 — Адабий эшиттириш (рус.). 23.20 — Мақом кечаси.

Телевидение

29 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Сув спорти саройидан** (репортаж).

Ўзбек тилида: 18.25 — **Телевизион янгиликлар.** 18.45 — **Қувноқ минутлар** (болалар учун). 19.20 — **Лев Яшин ва космос** (телеочерк). 19.30 — **Янги одатлар** (суҳбат). 19.50 — **Танбур** (афсона ва куйлар).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар.** 20.55 — **Саттор акзнинг икки хиноnси** (телестудия ҳужжатли фильми премьераси). 21.15 — **Марказий универмаг таклиф этади.** 21.45 — **Рельслар орасида** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Жаҳлдор саҳифалар** (болалар учун. 18.30 — **Ер сигнали** (илмий-оммабоп) фильм). 18.50 — **Тошкент янгиликлари.** 19.00 — **Бир тун** (фильм-спектакль).

Ўзбек тилида: 20.40 — **Боғ-роғлар яратайлик.** 21.00 — **Қорадоғ қиссаси.** 21.15 — **Тошкент янгиликлари.** 21.25 — **Бўлинган қўшиқ** (бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/VI да **Хоразм қўшиғи**, 30/VI да **Жизель.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Жосус билан учрашув — САНЪАТ САРОЙИ, «МИР», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ўжар болалар — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб 10 ва 11-45 минутда).

Ҳаммаси сиз учун — «ЁШ ГВАРДИЯ» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 8 ва 10 да).

Эрлар гурунги — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Ўрмон эртаги (эрталаб соат 10 да). **Уч мушкетёр** (кундуз 12 ва 4 да — «МОСКВА».

Мозор орқали (1-залда кундуз ва кечқурун). **Аёзбобо** (эрталаб соат 10-20 минут ва кундуз 12 да) — «ДРУЖБА».

Ер-ёр (рус тилида) — СОБИР РАҲИМОВ номли. (кундуз ва кечқурун).

Океандаги из — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Ганга ва Жамна (1 ва 2-серия) — «МИР» (кеч соат 10 да).

Яширин инспектор — «СПУТНИК» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 10 да).

Насриддин Хўжандда — НАВОИЙ номли (кеч соат 10-30 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Жосус билан учрашув — КАФАНОВ номли, «УДАРНИК», НАВОИЙ номли, «ПАХТАКОР».

Яширин инспектор — «ФЕСТИВАЛЬ».

Эрлар гурунги — «ХИВА».

Океандаги из — «САЛЮТ».

Париж сирлари — «ВАТАН».

Бир сумка юрак — «1 МАЙ».

Ҳаммаси сиз учун — ТЕЛЬМАН номли.

Уч мушкетёр — ПУШКИН номли.

Австралиялик хотин излайди — СТЕПАН РАЗИН номли.

Жаноб 420 — «РАКЕТА».

Одам-амфибия — «ОКТЕПА».

СССР Госплани ҳузуридаги Давлат нефть-химия комитетининг

НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ЎРТА ОСИЁ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

Совет Иттифоқининг марказий шаҳарларидаги

АСПИРАНТУРАГА

нефтни қайта ишлаш саноатининг гидрогенизация процесслари, нефть-химия синтези технологияси, аналитик химия, нефтни ва нефть маҳсулотларини физик-химик текшириш ихтисослари юзасидан

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: кадрларни ҳисобга олиш варақаси (2 та фотокарточка билан), таржимаи ҳол, кейинги иш жойидан характеристика, олий ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги дипломнинг копияси ва зачёт ведомостидан кўчирма (дипломга илова), соғлиғи ҳақида справка, меҳнат дафтарчасининг копияси, босилган илмий асарлари рўйхати, ихтиролари ҳақидаги маълумотлар.

Илмий асарлари бўлмаган кишилар илмий доклад (реферат) тақдим қиладилар.

Конкурс муддати — 17/VIII гача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Орджоникидзе посёлкаси, Академия шаҳарчаси. телефон 6-24-21.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ 1-РЕСПУБЛИКА МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

фармацевтика, фельдшер-лаборант, санитария фельдшерлари, тиш-техника, тиш даволаш бўлимларига

1965/66 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумотли, 30 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган ва танлаган ихтисослари кўрсатилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги етуклик аттестати ёки тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома (асл нусха), таржимаи ҳол, соғлиғи ҳақида 286-форма медицина справкаси, бош кийимсиз тушган 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка.

Амалий ишдан камида 2 йиллик стажи бўлган кишилар меҳнат дафтарчасидан (корхона ёки муассаса раҳбари тасдиқлаган), колхозчилар учун — колхозчилар дафтарчасидан (колхоз правлениеси тасдиқлаган) кўчирмаси.

Бевосита саноат корхоналари, қурилиш, совхоз, колхоз, медицина муассасалари ва бошқа ташкилотлардан юборилган кишилар 1-форма бўйича йўлланма қоғозини ҳам тақдим қиладилар.

Паспорт, ҳарбий билет ёки приписка гувоҳномаси шахсан келтирилади.

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Стипендия умумий тартибда берилади. Узоқ областлардан келганлар ётоқ билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Барнаул кўчаси, 9-уй. (10-трамвай, 8, 10, 14, 49-автобус, 2, 6-троллейбуснинг «Ишчилар шаҳарчаси» остановкаси). Телефон 4-12-93, 4-38-42.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА

(ёзги бино)

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ бошланади

РЕПЕРТУАР:

3. 14/VII да — Ҳамза Ҳакимзода асари — **Холисхон** (музикали драма).

4. 15/VII да — Иззат Султонов асари — **Бургутнинг парвози** (драма).

5. 10/VII да — Ҳошимжон Раззоқов асари — **Нодира** (музикали драма).

6. 19/VII да — В. Шекспир асари — **Ўжар қизнинг бўйсундирилиши** (комедия).

7. 16/VII да — Комил Яшин асари — **Равшан ва Зулхумор** (музикали драма).

8. 17/VII да — К. Бойсеитов ва К. Шангитбоев — **Жон қизлар** (музикали комедия).

11. 20/VII да — Назир Сафаров — **Кимга тўй, кимга аза** (музикали комедия).

12. 18/VII да — Ҳамза Ҳакимзода асари — **Бой ила хизматчи** (драма).

13. 21/VII да — **Катта концерт.**

Якуб Колас кўчаси, 16-а уйда турувчи **Валентина Васильевна Крилова**нинг шу уйда турувчи Анатолий Александрович Криловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Куйбишев шоссе, 2-переулок 145-уйда турувчи **Людмила Сергеевна Зайцева**нинг Уста-Ширин кўчаси, 39-уйда турувчи Алексей Васильевич Зайцевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

26 Боку комиссари кўчаси, 1-проезд, 20-уйда турувчи **Светлана Васильевна Ширяева**нинг Венгер кўчаси, 7-уйда турувчи Юрий Алексеевич Ширяевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Ўзбек давлат филармонияси ва Ўзбек давлат эстрадаси коллективи энг кекса халқ созандаси, карнай ва сурнай бригадасининг раҳбари, 1932 йилдан КПСС аъзоси

Султонмурод СИДДИҚХОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 149. ИНДЕКС 64543. Р. 02090.